Ушбу сонда:

2 ОДАМ БОР ЖОЙГА ОДАМ КЕЛАДИ

3 *Қонун барчага баробар* МЎМАЙ ПУЛ ЖАЗАВАСИ

4 КИЧКИНТОЙ РУМИША ўзбек тилида сўзлашади

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ

OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI — FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ОЛИЙ БАХТ

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2006 йил 17 январ, сешанба № 8 (2057)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

НУРОТА КАШТАЧИЛАРИ

Нуротанинг «Дехибаланд» кишлоғида туман хотин-қизлар қўмитаси кўмагида тадбиркор аёл Муяссар Очилова бошчилигида «Муяссар» кичик корхонаси ташкил этилди.

- Ҳунарли киши хор бўлмас, деган ота-боболаримиз, - дейди М.Очилова. - Корхонани ташкил этишдан мақсад ҳунармандчиликни янада ривожлантириш, уй бекаларига, қизларимизга каштачилик сирларини чуқурроқ ўргатиш, ёшларни иш билан таъминлашдан иборат.

Ҳозирги кунда 24 нафар хотин-қиз саъй-ҳаракати билан сўзана, тўшак ва ёстиқ қопламалари ишлаб чиқараяпмиз. Шу йилнинг охиригача корхонамизда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини бир ярим баравар ошириб, ишчилар сонини қирқ нафарга етказиш ниятидамиз.

Худди шундай корхона Нурота шаҳрида ҳам фаолият бошлади. Бу ерда тадбиркор Санобар Ортиқова ташаббуси билан Тошкентдаги «Рўзи Ҳусаин» фирмасининг филиали ишга тушди. Ҳозир бу ерда 150 нафар хотин-қиз каштачилик сирларини пухта эгалламоқда.

(ЎзА)



МУВАФФАҚИЯТЛИ ОДИМЛАР

Тошкентдаги «Фотон» очиқ ҳиссадорлик жамияти республикамиздаги йирик ишлаб чиқариш корхоналаридан бири саналади. Корхона жамоаси 2005 йилни маҳсулот сифатини яхшилаш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш каби муваффақиятлар билан якунлаб, жорий йилни янги меҳнат зафарлари билан қарши олдилар.

«Фотон» номини нафақат мамлакатимизда, балки юртимиз сарҳадларидан олисларда ҳам яхши билишади. Ҳозирги кунда ушбу жамоада минг нафар ишчи меҳнат қилмоқда. Бу ерда асосан рангли телевизорлар, турли хилдаги транзисторлар, назорат-касса машиналари, фото электрон станциялар (ФЭС), электр энергияси қувватини тежовчи электр лампалари ишлаб чиқарилмоқда. Бу хилдаги халқ истеъмоли моллари Ўзбекистоннинг ички бозори учун жуда муҳим аҳамиятга эгадир.

Шунингдек, корхонада ишлаб чиқарилаётган фото электрон системалари каби экспорт маҳсулотлари ҳам Россия ва Украина давлатларига ўз вақтида етказиб берилмоқда.

Суратларда: йиғувчи Фарҳод Қўлдошев; ишлаб чиқариш цехида.

Р.ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган суратлар

Меҳрдан яралган дунё

Маълумки, ҳар қайси соҳанинг машҳурлари ва олдингилари «юлдуз» деб аталади. Шу нуқтаи назардан Арнасой туманидаги Йўлдош Зоҳидов номли агрохизмат маркази ҳудудида фаолият юритаётган «Сангзор» фермер хўжалиги раҳбари Рашидахон Ёдгоровани ҳам юлдузга қисёлагим келди.

АРНАСОЙ ЮЛДУЗИ

— «Фермерлар сардори» десак ҳам бўлади-ю, - деди туман ҳокими Миролим Абдураҳмонов, - лекин аёл кишига нисбатан «юлдуз» кўпроқ ярашади-да! «Юлдуз» дейверайлик.

Ваҳоланки, Рашида 1996 йили 100 гектар ер олиб, фермер хўжалиги ташкил этганида баъзи бировлар: «Фермерликни эркаклар эплай олмаяптилар у, аёлга йўл бўлсин, ҳали кўрасиз, далада бошидан офтоб, оёғидан зах ўтгач, «спидометр»ни «юз»га босиб, жўнаб қолади» дейишганди. «Ҳа-я, - деб қувватлаганди яна бошқалари – бунинг устига олган ерини қаранг, шўр босиб, олачалпоқ бўлиб ётибди, шўра билан туяқорин етиштиришга яхши бу ер». . .

Мана, шундан буён ўн йил ўтиб кетди. Бироқ, Рашиданинг спидометри «юз»ни тортмади. Лекин ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ҳар йили 120-130 дан юқорилаб-юқорилаб, ўтган йили бирданига 202 ни кўрсатди. Давлатга пахта сотиш бўйича шартнома режасини 202 фоизга адо этди. Мана буни спидометрнинг «икки юз»ни босиши дейилса тўғри бўлади.

Эҳтимол кимлардир ушбу сатрларни ўқий туриб: «Пахтаси оздир-да шунинг учун ҳосилдорлиги кўп бўлган», деб ўйлаётгандир. Йўқ, бундай эмас. Пахтазорнинг ўзи 40 гектар. У бошлиқ жамоа ана шу пайкалдан 90 тонна «оқ олтин» етказиб бериш учун шартнома тузган эди. Бу гектаридан 22,5 центнердан дегани. Қумоқ ва шўрхок Арнасой тумани шароитида шартномадаги шунча ҳосилни етиштириш ҳам жасорат. Лекин Рашида бошлиқ азаматлар ҳар гектар майдондан 45,8 центнердан биринчи терим, биринчи нав пахта етказиб бердилар. Бунга қўшимча 50 гектар ғаллазорлардан 80 тонна уруғлик ва 40 тонна истеъмол учун ғалла сотганларини айтинг. Бундай фермерни «юлдуз» десак, ярашмайдими?

Меҳнатдан келса бойлик-турмуш бўлар чиройлик, дейишади. Рашида бошлиқ фермер хўжалигида 59 миллион сўмга пахта, 12,5 миллион сўмга ғалла сотилди. Тайёрлов, хизмат кўрсатиш ва таъминотчи корхоналардан яқинда солиштирув далолатномаларини олди у. Олди-ю, шу куниёқ микрокалькуляторини ишга солди. Калькулятори эса, 32,6 миллион сўм соф фойда олинганини кўрсатди.

Айни кунларда Рашида Ёдгорованинг кайфияти чоғ. Сабаби оддий. Ҳайдов ва чопиқ тракторлари, сеялка ва культиваторлари ёнига яна янги техникалар қўшиш тараддудида. Олдинги йилларда «Тико» ва «Нексия» енгил автомашиналари сотиб олган эди, энди жамоа хизмати учун юк автомашинаси харид қилмоқчи. Ўтган йилларнинг туҳфалари шунақа кўзга кўринарли бўлган. Айтганча, 2000 йили уни Ватанимизнинг «Дўстлик» ордени билан мукофотланиши ҳам унумли меҳнат шарофатидан.

Ҳомийлар ва шифокорлар йили Рашидахоннинг меҳр ва кўнгил эшигини очиб юборди. Яқинда у Жиззах шаҳридаги 29-«Меҳрибонлик уйи» ҳисоб рақамига 1,1 миллион сўм, вилоят кардиология диспансери ҳисоб рақамига 250 минг сўм ва туман шифохонасига 300 минг сўм пул ўтказиб берди. Қўшалоқ байрамлар муносабати билан етим-есирлар, кам таъминланган оила аъзолари ва бир неча нафар беморларга салкам 200 минг сўмлик совғалар ҳадя этди. Бундай фермерни «Юлдуз» десак, ярашмабдими?

К.ЖЎРАҚУЛОВ

ФЕРМЕР САХОВАТИ

«Тешабой ота» фермер хўжалиги ва унинг аъзолари эришаётган ютуқлар ҳақида гап кетса, тўйтепаликларнинг кексаю ёши «Э бўлди, улар тўғрисида кўп эшитганмиз, деҳқончилик илмини яхши биладиган одамлар, ҳар йили пахта ва ғалладан юқори ҳосил олиб келишади» дейишади.

Аслида ташкил этилганига ҳали унчалик ҳам кўп вақт бўлгани йўқ. Лекин, 2003 йилдаёқ 24 гектар майдонда пахта етиштирилиб, ҳосилдорлик 32,3 центнерга етказилди. Бу кўрсаткич анча-мунча рекорд натижа ҳисобланса-да, «Тешабой ота» мириштикорлари учун дастлабки қадам эди. Кейинги йили гектаридан уюлган «оқ олтин» хирмони 46 центнерга кўтарилди. Ҳақиқий шов-шув шунда бошланди. Биринчи йилдаги ғалабани «тасодиф-да, бир бўлиб қолди-да» деб юрганлар лабларини тишлаб қолишди. Ўшандагина кўплар бу ўз-ўзидан бўлмаганини, унинг замирида деҳқоннинг астойдил меҳнати, ерига қараб уруғлик танлай билиш маҳорати, ишловчиларни рағбатлантириш фазилати борлигини тушунишди.

Тешабой ота Мирзакаримов нафақат омилкор деҳқон, саховатли инсон сифатида ҳам элюртда танилган. Тадбиркор тумандаги 31-мактабни оталиққа олган. Ўқув йили бошланиши арафасида у мактабга 250 минг сўмлик спорт анжомлари ва 500 минг сўмга парта олиб берди. Йигирма беш нафар ишчининг хонадонига газ ҳисоблагич фермернинг ҳисобидан ўрнатилди.

А.АЛЛАМУРОДОВ, «Ишонч» мухбири

Бор бўл, оқибат!

«Ҳисоракгидрокурилиш» очиқ акционерлик жамияти бошланғич касаба уюшмаси раиси Авлокул Тўрабоев ҳамда 2-сонли механизациялашган кўчма курилиш шўъба корхонаси цех касаба уюшма қўмита раиси Актам Рустамовлар Шаҳрисабз шаҳар Маннон Абдурахмонов номли кўчанинг 1-хонадонида истиқомат қилаётган меҳнат фахрийси Раҳмат бобо Бўриевлар хонадонига ташриф буюрдилар.

БИР КЎНГИЛ ИМОРАТИ...

Раҳмат Бўриев бир неча йил ушбу корхонада ишлаб обрў-эътибор топди. Бахтсиз тасодиф туфайли ногирон бўлиб қолганида ҳамкасблари уни ёлғизлатиб қўйишмади. Янги йил ва Қурбон ҳайити муносабати билан отахон хонадонига келувчилар сони яна ҳам ошди. Хусусан, собиқ жамоадошлари билан учрашув бобонинг кўнглини тоғдек кўтарди.

Ҳомийлар ва шифокорлар йили касаба уюшмалари олдига янги-янги вазифаларни қўйди. Айни пайтда жамият тасарруфидаги 10 та бошланғич ташкилотларда ишлар кўлами янада кенгайди. Кексалар ҳолидан хабар олиш, муҳтожларга ёрдам кўрсатиш касаба уюшмасининг диққат-эътиборида турибди. Маъмурият ҳамда касаба уюшмаси ҳисобидан ишчи-хизматчиларга ўтган йили 332 минг сўм моддий ёрдам кўрсатилиб, 2 миллион сўмга яқин мукофот берилди. Бу йил ушбу кўрсаткич янада салмоқ касб этади.

Дунёда эзгу ишни амалга оширишдан-да улуғроқ савоб йўқ. Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Нишон туман кенгаши вакиллари 5-миттитуманда истиқомат қилаётган 2-гуруҳ ногирони Тўхтамурод Собиркўловлар хонадонига ташриф буюрганларида хонадон соҳибаларининг кўнглига қўёш ўз нурларини сочгандек бўлди.

Дарвоқе, ушбу хонадонни ижтимоий ҳимоялаш учун тармоқ касаба уюшмаси ўз оталиғига олиб, ҳомийлик ёрдами кўрсатяпти. Шунингдек, Янги Нишон шаҳрида истиқомат қилаётган иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Бешим Ачилов ҳамда меҳнат фахрийси Пётр Востриковларга ҳам тармоқ касаба уюшма томонидан ҳомийлик ёрдами берилди.

Ш.СУЛТОНОВ, «Ишонч» мухбири

МАРДЛАР ҚЎРИҚЛАЙДИ ВАТАННИ

Ҳарбийлик - машаққатли, айни пайтда шарафли касб. Шарафи шундаки, у эл-юртини ҳимоя қилишдек юксак бурчини адо этади. Машаққати эса барча хавф-хатарга қарши ҳар қандай шароитда жанговар ҳолда туриши лозим. Бу эса осон иш эмас. Иссиқ жон, ҳарбийларнинг ҳам тоби қочиши мумкин. Бунда уларнинг бутқул соғайиб кетиши ва яна тезда жанговар сафга қайтишини таъминлаш хайрли амаллардандир.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг Марказий ҳарбий клиник госпиталида Ватан ҳимоячилари кунига бағишлаб, «Мардлар қўриқлайди ватанни» мавзуида ўтказилган учрашувда ана шулар ҳақида гап борди. Тадбир Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги томонидан Республика Хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Унда Юртбошимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз Қуролли Кучлари тизимида изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар самараси ўлароқ ҳарбийларнинг турмуши, маданий ва маиший шароитлари янада яхшиланаётгани алоҳида таъкидланди. Зеро, Президентимизнинг куни кеча Ватан ҳимоячиларига байрам табригида қайд этилганидек, ўз ҳаётини дунёдаги энг муҳим ва олижаноб вазифа - Ватан ҳимоячиси деган шарафли касбга бағишлаган инсонлар давлатимиз ва жамиятимизда юксак ҳурмат ва эҳтиромга муносиб бўлиб қолаверади.

Ҳарбийлар саломатлигини тиклашда шифокор ва ҳамшираларнинг хизмати катта. Ҳомийлар ва шифокорлар йилида улар зиммасидаги масъулият янада ошади.

Тадбирда ушбу ҳарбий клиник госпиталнинг илғор шифокорлари ва ҳамшираларидан бир гуруҳига байрам совғалари топширилди. Ватан ҳимоячилари шаънига санъаткорлар томонидан куй-қўшиқлар янгради.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова сўзга чиқди.

(ЎзА)

Даромадга яраша буромад

Ҳозир Самарқанднинг Қарноб, Бухоронинг Коровулбозори, Қашқадарёнинг Мубораги билан туташиб кетган Ўртачўл яйловлари оппоқ тусга кирган. Шунга қарамай, бу бепоён ҳудудда шувоқзор оралаб юрган кўй-кўзиларнинг маъраши, чўпонларнинг «қурей-қурей»и садоси эшитилади. Ўртачўл жозибасини кўрмоқчи бўлсангиз, яхшиси сиз бу ерларга баҳорда келинг. Чўл таниб бўлмас даражада ўзгариб, яшнаб-яшариб кетади. Кўз олдингизда лолақизғалдоқлар гулхани ловуллайди.

ЎРТАЧЎЛ ЯЙЛОВЛАРИДА

Мастура опа оиласидагилар чўл инжиқликларига ўрганиб кетишган. Ўртачўлни ўзларига Ватан тутишганига кўп йиллар бўлди. Бу орада болалар ўсиб-улғайишди. Меҳнатдан келса бойлик, турмуш бўлар чиройлик, деганлари рост экан. Сурув ортидан юриб кам бўлишмади. Ҳозир Мастура Адизова бош чўпон бўлган отарда 455 бош қўй парвариш қилинмоқда. Қўйчивонлар жорий йилда қўзилатиш мавсумини ҳам муваффақиятли якунлашиб, бир отардан икки отар яратишди. Даромад ҳам шунга яраша бўлди. Ўртачўлда у сингари ўз касбини эъзозлаб, эл дастурхонини тўкин-сочин қилиш ниятида яшаётганлар кўп. «Маликчўл қоракўлчилик» ширкат хўжалиги 1-фермасидан Абдурасул Мирзаев, 2-фермадан Сирож Муҳаммедов, 3-фермадан Бобомурод Ражабов сингари яйлов дарғалари шулар жумласидандир. Уларнинг ҳар бири ҳар йили чорвачиликда катта ютуқларни қўлга киритиб келмоқда. Жумладан, Сирож Муҳаммедовга жорий йилда қўзилатишда эришган юқори натижалари учун 40 бош қўй мукофотга берилди.

«Маликчўл қоракўлчилик» ширкат хўжалиги маъмурияти ва касаба уюшма қўмитасида қўйчивонлар меҳнатини муносиб баҳолаш билан бир қаторда, уларни ижтимоий ҳимоялашга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Ҳар бир чўпон отари ёз ойларидаёқ пухта таъмирдан чиқарилди. 170 нафар ишловчига қишда кийиладиган махсус иссиқ кийим-бош берилди.

Бу ерда ажойиб бир анъана сақланиб қолган. Қўзилатиш мавсуми арафасида чўпон-чўлиқлар учун ёзилган дастурхон атрофида ҳар бир ишловчига бош-оёқ сарпо кийгизилади. Шу боисдан бўлса керак, Маликчўлда белгиланган режани бажаролмай, юзи шувут бўлган чўпон бўлмайди. Хўжалик маъмурияти ташаббуси билан Қизилтепа марказий шифохонасидан ажратилган шифокор доимо чўпон-чўлиқлар саломатлигини назорат қилиб туради. Керак бўлган барча дори-дармонлар хўжалик ҳисобидан олиб берилмоқда. Даволанишга муҳтож бўлганлар касаба уюшма қўмитаси йўлланмаси билан республикамиздаги «Чортоқ», «Ситораи Моҳи хоса», «Ибн Сино», «Занги ота» сингари санаторий-профилакторийларда дам олдирилмоқда. Яқинда илғор чўпонлардан 35 нафари хўжалик ҳисобидан махсус транспортда Бухорода бўлиб қайтдилар. Ғамхўрликдан аёллар ҳамда чўпон болалари ҳам четда қолмаётир. Жумладан, шу йил ёз ойларида Қизилтепадаги «Дўстлик», «Нимкон» оромгоҳларида 40 нафардан зиёд чўпон фарзандлари мароқли дам олдилар. Хўжалик маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси вилоятдаги соғломлаштириш тадбирларида ҳам фаол иштирок этаётир. Биргина шу йилнинг ўзида болалар спортини ривожлантириш жамғармасига, «Зарафшон» футбол жамоасига, Навоийдаги масжид қурилишига, Самарқанд қоракўлчилик илмий текшириш институтининг 70 йиллик юбилейи тайёргарлик ишларига 1 миллион 200 минг сўмдан ошиқ маблағ ажратилди. Хўжаликда кўп йиллар самарали ишлаб, ҳозирда қарилик гаштини сураётган қариялар бугунги кунда эъзозда. Улар ҳолидан вақти-вақти билан хабар олиниб, якка-ёлғизларга моддий ёрдам кўрсатилмоқда.

С.АЪЗАМОВА, «Ишонч» мухбири

АГАР ОМАД ЧОПСА

Мотопойга

Жарқўрғон туманининг Боботоғ адирликларида спортнинг мотопойга тури бўйича анъанавий Сурхондарё вилоят биринчилиги ўтказилди.

Қизғин курашлар остида кечган пойганинг биринчи турида деновлик спортчилар - Жамшид Аҳмедов, Алексей Лизгачёв, Сергей Сафаров ўз йўналишларида ғолиб чиқди. Пойганинг иккинчи кунида -кажавали мотоцикллар пойгасида Ангор тумани йигитларининг омади келди.

Умумжамоа ҳисобида ангорликлар биринчи, деновликлар иккинчи, Термиз шаҳри вакиллари учинчи ўринни эгаллади.

Дўст ачитиб гапиради

Биз агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Наманган вилоят Кенгаши вакили Бахтиёр Турдиев билан Чуст туманидаги «Сабзазор» ширкат хўжалиги бошқаруви идораси биносига кираётиб касаба уюшма қўмитаси раисини суриштирдик.

ҚЎМИТА РАИСИ КИМ?

– Бизда икки йилдан буён касаба уюшмаси раиси йўқ, – эллик ёшлар атрофидаги новчадан келган киши жавоб қайтарди.

Бу гап бизга малол келгандек бўлди. Тўғри-да, баъзилар гапга тўн кийдириб юборишади. Лекин кейинроқ шубҳамиз ўринсиз эканлиги аниқланди. Сўзимизнинг тасдиғи сифатида агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси туман кенгашининг сўнгги мажлисида қилинган маърузадан мисол келтирамиз: «Ойлар мобайнида бир қатор хўжаликларда бошланғич касаба уюшма ташкилотлари раисларининг ўрни вакант бўлиб турибди. 6 та хўжаликда касаба уюшма ташкилотларининг раҳбари йўқ. «Сабзазор»да 5 йилдан буён касаба уюшмаси ташкилоти раисининг ўрни бўш».

Бу жумла баъзилар учун ғайритабиий туюлиши мумкин. Лекин оқни оқ, қорани қора демасдан иложимиз йўқ. Туманда шундай ҳолат юз берди. Бунга яна қўшимча тарзда илова қилишимиз мумкинки, туман тармоқ Кенгаши раҳбарларининг бўшашувчанлиги, қатъиятсизлиги оқибатида сўнгги йилларда касаба уюшма аъзолари сони 2,5 минг нафарга камайиб кетди.

Юқори касаба уюшма ташкилотлари томонидан белгиланган бир қатор маданий-маърифий ва спорт тадбирлари умуман ўтказилмади. Ўтган ёз мавсумида меҳнаткашлар фарзандларини соғломлаштиришни ташкил этишда ўта сусткашликка йўл қўйилди. Қачонки, вилоят тармоқ Кенгашининг аралашувидан сўнггина 13-мактаб қошида кундузги болалар дам олиш оромгоҳи фаолияти йўлга қўйилди. Аммо ҳозирги кунда оромгоҳнинг ташкилотлардан қарзи 1 миллион сўмдан ортиб кетган.

Маълумки, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси қурултойида мамлакатимизда жамоа шартномаси аста-секин ходимларнинг бевосита ва билвосита даромадларини ошириш воситасига айланиб бормоқда, дея таъкидлаб ўтилди. Бу борадаги ҳолат ўрганилганда туман кенгаши томонидан ушбу муҳим ҳужжатни тузиш, расмийлаштириш ва амалга оширишга етарли аҳамият берилмаётгани аён бўлмоқда. Жамоа шартномаларидаги мажбуриятларнинг бажарилиши 83 фоизни ташкил этган, холос. Кўп ҳолларда шу соҳага оид йиғилишлар ўтказилмаган.

Касаба уюшмаси ишловчининг энг яқин маслаҳатчиси, суянчиғи. Афсусларким, бу борада ҳам туман кенгаши етарли фаолият кўрсатмаяпти. Шуни айтиш кифояки, иш ҳақидан муддати ўтган қарздорлик ҳозирга келиб туманда 304,8 миллион сўмга етиб борди. Фақат «Говасой» ширкат хўжалигидаги қарздорлик 46,5 миллион сўмни ташкил этмоқда.

Касаба уюшмаларининг бош вазифаларидан бири саналган меҳнат муҳофазаси бўйича ишлар ҳам қониқарсиз. Туман кенгашининг кейинги 6 ой мобайнида бу соҳадаги фаолияти таҳлил этилганда, тумандаги мавжуд 11 та хўжаликда ва корхоналарда 68,2 фоизда қолиб кетган.

Болаларнинггина эмас, умуман ишловчиларни соғломлаштириш соҳасидаги ишлар ҳам талабга жавоб бермайди. Масалан, тумандаги қатор хўжаликларда сўнгги йилларда ишловчиларни соғломлаштириш масаласи етарлича ўйлаб кўрилмаган. Туман тармоқ касаба уюшма кенгаши эса бу хусусда етарли бош қотирмаган. Мақоламиз бошланишида номи тилга олинган «Сабзазор» ширкат хўжалигининг янги сайланган касаба уюшма қўмитаси раиси Ҳабибулло Раҳматуллаевнинг айтишича, шу кунда хўжалик пиллачилик бригадаларидан тўрт киши вилоят марказидаги оромгоҳлардан бирида ҳордиқ чиқаряпти. Хўжаликда 620 нафар ишловчи борлигини эътиборда тутганда, бу денгиздан томчидек гап.

– Кейинги икки йилда хўжаликда ишловчилардан бирон киши оромгоҳда хордиқ чиқармаган эди, – қўшимча қилиб деди Ҳ.Раҳматуллаев. – Биз хўжалик бошқаруви билан келишган ҳолда январ ойида пахтачилик бригадирларини, бош мутахассисларни ҳам соғломлаштиришни мўлжаллаб турибмиз...

Бундан икки ой илгари бўлиб ўтган мажлисда туман тармоқ касаба уюшма Кенгаши раиси М.Бобоев талабчанликни бўшаштириб юборганлиги учун ўз вазифасидан озод қилинди. Хўш, шундан кейин ҳолат ўзгардими? Ҳозирча сезилгани йўқ.

Донолар хатолардан ўрнак олмоқ хатоларга эришмоқ дегани эмас, дея уқтиришган. Ўйлаймизки, туман тармоқ Кенгашининг янги сайланган раҳбари шу кунгача йўл қўйилган хато ва нуқсонларни чуқур ўрганиб чиқиб, тегишли хулоса чиқариб олади. Зеро, касаба уюшмалари ҳар ерда ва ҳар қачон ишловчиларнинг ҳақиқий суянчиғи ҳамда маслаҳатчисига айланмоғи лозим.

О.ЖУМАНАЗАРОВ, «Ишонч» мухбири

КАСАНАЧИЛИК

оила бюджетини тўлдиради

Республика аҳолисининг бандлиги ва даромадлари барқарор ўсишини таъминлашга доир вазифаларни ҳал этишда касаначиликнинг турли шаклларини кенг ривожлантириш, жумладан, унинг йирик саноат кооперациясини камайтиришга устувор аҳамият қаратилмоқда.

Йирик саноат корхоналари билан касаначилар ўртасида кооперация алоқаларининг мустаҳкамланиши оила бюджети даромадларини оширишдек муҳим муаммони ҳал этади, иш билан банд бўлмаган аҳоли сонини кескин қисқартириш ва унинг фаол қисмини ишлаб чиқаришга жалб этиш имконини беради. Айни пайтда касаначилар иш стажини ҳисоблаш, уларга пенсия ва ижтимоий суғурта бўйича нафақалар тайинлаш ҳуқуқи таъминланади.

Республика Президентининг «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида бу муаммолар ечими ўз аксини топган.

Пахтакор туманида айни пайтда қарйиб 59 минг аҳоли истиқомат қилади. Шундан 27 мингдан зиёди хотин-қизлардир. Улар қайси жабҳада бўлмасин фаол иштироклари билан эл-юрт эҳтиромига сазовор бўлишаяпти. Бугун якка тартибда фаолият кўрсатаётган тадбиркорларнинг 379 нафари, соғлиқни сақлаш тизимида ишлаётганларнинг 548, таълим соҳасида хизмат қилаётганларнинг 658, фермер хўжалиги раҳбарларининг 48, туман кенгаши депутатларининг 6 нафари хотин-қизлар эканлиги ҳам буни тасдиқлаб турибди. Қаерда аёлга нисбатан эътибор, ғамхўрлик кучли бўлса, ўша ерда гўзаллигу, орасталик, осойишталик, қут-барака, тараққиёт ва фаровонлик устувор бўлади. Буни пахтакорлик аёлларнинг бугунги турмуши, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётдаги иштирокидан ҳам билса бўлади. Туманда тадбиркорлик ва ишбилармонликка алоҳида эътибор кўрсатилган. Шулардан бири «Раъно» кичик корхонасидир.

– Мен дастлаб касаначилик йўли билан иш бошлаганман, – дейди корхона раҳбари Раъно Ёқубова – Аста-секин оёққа туриб олдик. Ҳозир кичик корхонамизда 12 нафар хотин-қиз меҳнат қилаяпти. Улар асосан тикувчилик, зардўзлик билан шуғулланишади. Бежирим ҳам арзон маҳсулотларимизга талаб катта, сўраб келувчилар кўп. Туманда 26 та хонадонда тикувчилик, тўқувчилик, атторлик, ипакчилик каби касаначиликнинг турли шакллари йўлга қўйилган. Бунинг афзаллик томони шундаки, уй шароитида ишлаётган аёлнинг аввало рўзғоридан, фарзандидан кўнгли хотиржам бўлади. Бошқача айтганда, оиласи ёнида оила бюджети даромадларини кўпайтириш имконияти яратилаяпти.

Фармонда корхоналарнинг буюртмалари асосида уйда ишлаётган фуқароларга буюртмачилар томонидан хомашё материаллари ва ярим фабрикатлар етказиб бериш ҳамда буюртма асосида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотишни кафолатлашда барқарор шароитлар яратиш кўзда тутилган. Бу касаначилик билан машғул кишилар учун айни муддаодир. Шу пайтгача улар хомашё, материаллар топиш, маҳсулотларга мижозлар ахтаришга кўп вақт сарфлашга мажбур эдилар. Эндиликда бундай муаммолар ўз ечимини топадиган бўлди.

Б.НОРҚУЛОВ,
«Ишонч» мухбири
Суратларда: корхона ҳаётидан лавҳалар

Фармон ва ижро

АСКАР ОНАСИГА ЭСДАЛИК СОВҒАЛАРИ

Тадбир

Сурхондарё вилоят таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Кенгаши Ватан ҳимоячилари куни ҳамда Қурбон ҳайити муносабати билан она юрт тинчлиги йўлида шаҳид кетганларни хотирлашдек хайрли ва савоб ишга қўл урди. Давлатимиз чегараларини мардона қўриқлаш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар оилаларига моддий ёрдам кўрсатилди.

Ана шундай қаҳрамонларимиздан бири Бойсун тумани Чорбоғ қишлоғида туғилиб ўсиб, муқаддас заминимизни душманлардан ҳимоя қилишда жонини қурбон қилган чинакам юрт посбони Машраб Жўраевдир. Тармоқ ходимлари касаба уюшма кенгаши вакиллари марҳумнинг хонадонида бўлиб, оила аъзолари ҳолидан хабар олишди.

– Эл-юрт хавфсизлиги учун камарбаста ўғлонларни тарбиялаб вояга етказган ота-оналарга ҳурмат-иззат кўрсатиш борасида қатор ишларни амалга оширяпмиз, – дейди вилоят тармоқ ходимлари касаба уюшма кенгаши раиси Холбўта Досов. – Жумладан, яқинда вилоят театрида ўтказилган тадбирда аскар оналарига касаба уюшма кенгашимизнинг эсдалик совғалари топширилди.

ИШ КЕРАКМИ? МУАММОСИЗ

Қувасой мамлакатимиз саноатида салмоқли ўрин тутадиган шаҳарлардан саналади. «Қувасойцемент», «Кварц», «Қувасой чинниси» каби корхоналар айни пайтда тўла қувват билан ишлаяпти. Шунингдек, бу ерда фаолият кўрсатаётган кичик ва хусусий бизнес субъектлари сони ҳам ортиб бормоқда.

«Набоҳат» - ана шу хусусий корхоналарнинг бири. У сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Ўтган йили «Пахтабанк»нинг Қувасой шаҳар бўлимидан 150 миллион сўм кредит олган корхона салқин ичимликлар ишлаб чиқариш линиясини ҳам ишга туширди.

Қувасойда саноат корхоналарининг, кичик ва хусусий бизнес субъектларининг кўпаяётгани шаҳарда ишсизлик муаммосини ҳал этишга кўмаклашмоқда. Биргина «Набоҳат» хусусий корхонасида иш бошлаган янги линия шарофати билан 30 нафар йигит-қиз доимий иш ўрнига эга бўлди.

Тадбиркорлик - давр талаби

Жиззах шаҳридаги «Зилола-текс» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасида кўп йиллар мобайнида аҳоли истеъмоли учун зарур маҳсулотлар тайёрланиб, мижозларга етказиб берилди. Бироқ, кейинги вақтларда улкан корхонада иш бир текисда кечмади. Ишлаб чиқариш суръати пасайиб, хомашё етишмаслиги туфайли бу ерда банкротлик вазияти пайдо бўлди ва янги аср арафасида тўхтаб қолди.

ҚАЙТА ЖОНЛАНГАН КОРХОНА

2003 йилда ҳиссадорлик жамияти акцияларини «Бизнес-Альянс» ёпиқ акциядорлик жамияти сотиб олгандан сўнг муз кўчагандек бўлиб, корхона фаолиятида олдинга силжиш рўй бера бошлади.

Ўтган йил бошида ҳиссадорлик жамияти республика Ички ишлар ва бошқа вазирликлар томонидан ўтказилган тендерларда муваффақиятли қатнашди. «Ўзбекенгилсаноат», «Ўзбексаноат» ва «Ўзбекбирлашув» савдо компаниялари билан биргаликда Самарқанд, Қашқадарё, Наманган, Хоразм вилоятларида ташкил этилган савдо ярмаркаларида муваффақиятли равишда иштирок этиб, 30 дан ортиқ савдо корхоналари билан шартнома тузди. Ҳозирги кунда «Косонсой-Текмен» қўшма корхонасидан хом ашё олиниб, давлат буюртмаси бўйича иш юритилмоқда, болалар ва ёш ўсмирлар учун кийимлар тайёрланмоқда.

Шуни таъкидлаш жоизки, бултур 276 миллион сўмлик давлат буюртмаси ва ички бозор учун 26 турдаги халқ истеъмоли моллари тайёрланиб, ишлаб чиқариш қувватидан 65 фоиз фойдаланилди. Кўрилган соф фойда эса 49 миллион сўмни ташкил этди.

Жамиятда маркетинг бўлими фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, шу асосда хорижга ҳам сифатли рақобатбардош маҳсулот экспорт қилиняпти. У ўзининг қулай, ихчам ва бежиримлиги билан мижозлар эътиборини қозонмоқда.

Тўхтаб қолган корхона фаолиятини қайта жонлантиргач, кўпгина қўлида ҳунари бор, ишсиз юрган хотин-қизлар иш билан таъминланди. Бу ерда ҳозирда 100 нафарга яқин маҳаллий ишчилар меҳнат қилмоқда.

Корхона ишчи-ходимларни ижтимоий ҳимоялаш борасида бир талай ижобий ишларни амалга оширди. Жумладан, барча ишловчилар махсус кийим-бош билан таъминланиб, 30 минг сўмдан моддий ёрдам берилди. Ўтган йили махсус дастурга асосан Жиззах шаҳрида яшовчи ногирон ва кам таъминланган оилаларга 300 минг сўмлик ёрдам кўрсатилди ҳамда Меҳрибонлик уйида тарбияланувчи 5 нафар боланинг хатна тўйига ҳомийлик қилинди. Бундан ташқари, жисмоний-тарбия ва спортни ривожлантириш мақсадида «Сўғдиёна» футбол жамоасига 2 миллион 300 минг сўм, кураш федерациясига эса 430 минг сўмлик ҳомийлик кўрсатилди. Байрам муносабати билан 21 нафар ишчи-ходимга 640 минг сўмлик моддий ёрдам берилди. Уларнинг саломатликларини тиклаш, мароқли дам олишларини ташкил этиш мақсадида республикамизнинг турли сиҳатгоҳ ва сўлим гўшаларига имтиёзли равишда юборилмоқда. Ҳар йили корхонада шахмат бўйича вилоят очиқ чемпионати ўтказиш анъана тусини олган.

Корхона маъмуриятининг галдаги режалари улкан. Жаҳон бозори талабларига жавоб бера оладиган харидоргир, сифатли маҳсулотларни ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш мақсадида келгусида замонавий янги технологияни олиб келиб, ҳиссадорлик жамиятини қўшма корхонага айлантириш ва кўплаб кишиларни иш билан таъминлашдан иборат.

Бу ерда ўз касбини ардоқлайдиган меҳнат фахрийлари кўплаб топилади. Чорак асрдан бери меҳнат қилаётган Ақида Соатова ана шулар сирасидан. Мустақиллик байрами арафасида у «Меҳнат шуҳрати» ордени билан муносиб тақдирланди.

О.ЭРГАШЕВ,
«Ишонч» мухбири

Жамоа шартномалари қандай бажарилмоқда?

Олмалиқ кон-металлургия комбинати касаба уюшма ташкилоти ўз сафига 25 мингга яқин меҳнаткашни бирлаштирган. Аъзоларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, қулай ва хавфсиз иш шароитларини яратиш, соғломлаштириш ва бошқа масалалар жамоа шартномасида акс эттирилган. Жумладан, унда кам даромадли оилалар, корхонада ишлаб пенсияга чиққан ёлғиз қариялар, ишлаб чиқаришда ногирон бўлган ва ҳалок бўлганларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимояга олиш масалалари қайд этилган. Корхона касаба уюшма қўмитаси ана шундай мақсадлар учун ҳар ойда ўртача 3 миллион сўм маблағ сарф этиб келмоқда.

САВОБНИНГ КАТТА-КИЧИГИ ЙЎҚ

Мустақил юртимизда нишонланадиган ҳар бир байрам, тантаналар комбинат жамоаси ўртасида ҳам кенг нишонланади. Корхона маблағи ҳисобидан байрам дастурхони ёзилади, илғорлар рағбатлантирилади. Кўмакка муҳтож қатлам вакиллари тантаналарга таклиф этилиб, корхона томонидан моддий ёрдамлар бериб борилади. Бундай пайтда касаба уюшмаси ҳам хайрли ишлардан четда қолмайди. Масалан, 9 май кунида уруш қатнашчиларига, уларга тенглаштирилган урушорти меҳнаткашларига ҳамда меҳнат фахрийлардан бир гуруҳига корхона кўмагидан ташқари пул берилди. Ногиронлар кунида шаҳардаги 6-махсус мактаб - интернатга 450 минг сўмлик турли хил зарур жиҳозлар, жумладан, спорт ашёлари, ўқув қуроллари совға қилинди. Бўкадаги 15-меҳрибонлик уйига ҳам 955 минг сўмлик ҳомийлик ёрдами кўрсатилди.

— Касаба уюшмамиз, - дейди қўмита раиси Собир Пўлатов,— корхонада меҳнат қилиб, пенсияга чиққан кишиларни эътибордан четда қолдирмайди. 80 нафар ёлғиз, қаровчиси йўқ. кўмакка муҳтож кишиларга имкони борича амалий ёрдам беришга ҳаракат қилиб келмоқдамиз. Шу мақсадда «Нуроний» уйи ташкил этилган. Қариялар кундуз кунларини бу ерда мазмунли ўтказадилар. Зарур бўлганида тиббиёт кўригидан ўтиб, керакли муолажаларни оладилар.

Т. ҲАЙДАРОВ,
«Ишонч» мухбири

ОДАМ БОР ЖОЙГА ОДАМ КЕЛАДИ

Мастурахон бошлиқ корхона фаоллари ҳозиргина меҳнат ногирони Абдуманноб Ҳожиматов хонадонида бўлиб қайтишди. Дийдорлашув пайтидаги ногироннинг қувончдан порлаган чеҳраси, дуога очган қўллари ҳали-ҳануз касабақўм раисининг кўз олдида. Буни ҳаёт дейдилар. Кечагина қордек оппоқ қалпоқчани бошига қўндириб, қўли қўксида, лутф билан хўрандаларни ошхонада қаршилаган хушрўй отахон бугун тўшакка михланган.

Ўксик дилларни йўқлов билан бошини осмонга етказиш, суянч бўлиш нақадар савоб. Абдуманноб ака киприкларига илинган мамнуният ёшларини яширолмай, меҳмонларга яхши тилаклар билдирарди.

Раисниг ёдига қўмита аъзолари билан тунги сменада ишловчи аёлларнинг меҳнат муҳофазасига бағишлаб ўтказиладиган бугунги йиғилиш тушди. Унда қўмита аъзоси, техника хавфсизлиги муҳандиси Шаҳобиддин Имомқуловнинг иш жойларида хавф-хатарсиз меҳнат ва маиший шароитлар яратилиши ҳақида ҳисоб бериши режалаштирилганди. Бу орада раис қабулида кутиб турган ишловчи оналар билан учрашишга ҳам улгурди. Улар 2 ёшгача бўлган фарзандларининг нафақа пуллари қўлга тегмаётганлиги ҳақида касабақўмдан мадад сўраб келгандилар. Иш берувчининг фаол аралашуви билан аёлларнинг муроди ҳосил бўлди. Масалага Андижон вилоят енгил, мебел саноати ва коммунал-маиший хизмат ходимлари касаба уюшмалари тармоқ кенгаши раҳбарияти ҳам бош қўшди.

Иш берувчи билан касабақўмнинг елкадошлиги боис ишловчиларнинг мушкули осон бўлишини Мастурахон Раимқулова тажрибадан ўтказган. Наинки, жамоа шартномасида ёлланма ходимларнинг соғлигини, ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш, ишловчиларнинг меҳнат ва маиший шароитини яхшилаш, унумдорликни ошириш, ишсизликка барҳам бериш ҳақида иш берувчи билан касаба уюшмаси баббаравар жавобгарлиги, масъуллиги белгилаб қўйилган.

Жамоа шартномасидаги тилга олинган бандлар Меҳнат Кодекси ҳамда амалдаги меъёрий ҳужжатлар билан кафолатланган. Мажбуриятларнинг ижроси касабақўм ҳузурида фаолият юритаётган доимий комиссия орқали мунтазам назорат қилинмоқда.

Юртбошимиз Ўзбекистон Конституцияси куни тантанасида қилган маърузасида бозор иқтисодиёти кескин талабларига тезкорлик билан мослашиш, ислоҳотларни чуқурлаштириш жараёнларида фаол иштирок этишга бежизга даъват қилмади.

Ана шу ўзгаришлар, янгиланишлар Жалақудуқ туманидаги «Ойимтекстил» Ўзбекистон - Швейцария қўшма корхонаси кундалик фаолиятида, хусусан, ёлланма ишловчиларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳимоясанишига доир хайрли юмушларда яққол намоён бўлмоқда. Яқинда вилоят санитария-эпидемиология назорат маркази ҳамда мудофаага кўмаклашувчи вилоят «Ватанпарвар» ташкилоти иштирокида корхонада иш жойлари шаходатдан ўтказилди. Назоратчилар цехларда, маҳсулот омборхоналаридаги иш жойларини кўздан ўтказдилар. Яъни дастгоҳларга ўрнатилган ҳимоя воситалари, иш ўринларининг экологик-гигиеник, санитария ҳолати, меҳнат гигиенасига амал қилинишини тафтиш қилдилар. Ёнғин ва бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш, ишчиларга хавфсиз-хатарсиз, соғлом иш ва маиший шароит яратиш тўғрисида жўяли маслаҳатлар бердилар. Корхонадаги меҳнат муҳофазаси, иш жойларининг ёритилиши, чангланиш ўлчамларининг техник меъёрлар даражасида эканлигидан назоратчилар қониқиш ҳосил қилдилар. Зарарли шароитда ишловчиларнинг меҳнатини, соғлиғини ҳимоялаш мақсадида саваш, ўроз, бойлаш цехларидаги меҳнатчиларга устама иш ҳақи тўлаш, меҳнат таътилига қўшимча кунлар бериш каби имтиёзлар билан рағбатлантиришга қарор қилинди.

Назоратчилар корхонадаги ишловчиларнинг меҳнат ва маиший шароитидан ҳам мамнун бўлдилар. Цехлар электр нуридан чароғон ва ораста. Фаррошликни Германия ва Туркиядан келтирилган «Ретер» русумли ротобботлар бажармоқда. Машиналар цех бўйлаб овозсиз сирғалиб, чанг ва гардни мунтазам ютиб иш жойларининг хавф-хатарсизлигини таъминлаяптилар. Кенг ва шинам ошхона, тиббий маскан, душ ишловчилар хизматида. Меҳнатчилар кунига 3 маҳал бепул иссиқ овқат билан таъминланяптилар. Йил давомида ишчиларни овқатлантиришга 46 миллион сўм ҳаражат қилинаётганини айтиш кифоя. Дори-дармон, даволаш текин. Ҳар йили жамоа шартномаси асосида ишловчиларни соғломлаштиришга 1 миллион сўм сарфланмоқда. Махсус кийим-бош ва пойафзал таъминоти ҳам корхона ҳисобидан. 2005 йил мобайнида 2 миллион сўмлик махсус кийим-бош ва пойафзал харид қилинди. Эътиборлиси, иш ҳақи тўловларида узилишлар йўқ. Ойига ўртача 50 минг атрофида маош қўлга тегяпти. Ўтган йили «Нефтчи», «Қалдирғоч» оромгоҳларида 20 нафар фарзандлар бепул дам олдирилди.

Спорт, жисмоний тарбия тадбирлари тўқувчи ёшларнинг жони-дилига айланган. Шахмат-шашка, енгил атлетика, стритбол, қўл тўпи каби тўгараклар ишқибозлар билан гавжум. Моҳира Қўшоқова, Марҳабо Валиева, Зафар Солиев каби спортчилар вилоят, республика спорт мусобақаларининг совриндорлари. 2005 йилда ўтказилган беллашувда ойимқишлоқлик тўқимачилар вилоятда стритбол бўйича III-ўринга чиқдилар. Волейболда эса I-ўрин соҳиби бўлдилар. VI тармоқлараро спартакиадада М. Қўшоқова моҳир шахматчи сифатида иккинчи ўринга кўтарилди. З. Солиев эса енгил атлетика вилоят биринчилигини қўлга киритиб, республикага йўлланма олди.

Меҳнат унумдорлиги касб маҳорати билан узвий боғлиқ. Жамоа шартномасида ходимларни қайта тайёрлашга аҳамият берилганлиги бежиз эмас. Ҳар йили «Наврўз» тантаналари «Энг моҳир тўқувчи», «Иш жойинг соз - машаққатинг оз» каби кўрик-танловларга уланиб кетади.

«Моҳир касб устаси — 2005 йил» танловида йигирув цехи ишчиси Машҳура Исмонова ғолиб деб топилиб, эсдалик совғаси билан тақдирланди. Шу кунларда жамоада 8-март хотин-қизлар шодиёнасига қизғин ҳозирлик кўриляпти. Унда «Касбим — фахрим», «Корхона бекаси», «Маҳсулот сифати — жамоанинг юзи» шиори остида касблар танлови уюштирилиши кўзда тутилган.

Қўшма корхона жамоаси йилни яхши бошлади. Ўров цехи оператори Раънохон Ҳамроқулова топшириқларни бажариш, сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришда ҳамкасбларига намуна бўлаётир. Ўтган йилда 2661,9 тонна калава-ип, 477,4 тонна трикотаж газлама тайёрланиб, режа ортиғи билан бажарилди.

С.РЎЗИМАТОВ,
«Ишонч» мухбири

Меҳнат муҳофазаси

Айрим меҳнат жамоаларида топшириқ кетидан кувиб, ҳамон бепарволик ва назоратсизлик кайфиятлари ҳукм сурмоқда. Бу эса қимматли ва азиз ҳисобланган инсон ҳаёти ёки саломатлигига зомин бўлмоқда. Раҳбарлар бу борадаги хатолар учун ўзларини ҳар қанча оқлашга уринмасин, барибир, қилмишларига яраша жавоб беришга мажбурдир.

КЎЗА КУНДА ЭМАС, КУНИДА СИНАДИ

Мисол учун, Поп туманидаги Ўзбекистон ўрамли том ёпқич ашёлари комбинатида юз берган фожеали воқеани олайлик. Корхонанинг смена устаси Астархон Бобохонов рубероид ишлаб чиқариш цехи оператори Отажон Икромовга сиғим ичидаги цемент чангини тўплаб транспортга юклаш вазифасини топширди. Аммо ишни қандай ва қай тахлитда амалга ошириш юзасидан ҳеч қандай маслаҳат бермади. Бунинг ўрнига буйруқни тезроқ бажаришни талаб қилди.

Табиийки, ишчи зимасига юклатилган вазифани зудлик билан бажаришга киришди. Қандай бўлмасин смена устаси буйруғини адо этишни ўйлади. Бундай шароитда қандай техника талаблари борлигини хаёлига ҳам келтирмади. Смена устаси эса хавфсиз меҳнат шароитини таъминлаш, зарур ҳимоя воситаларидан фойдаланишни назорат қилишни унутди. Натижада О.Икромов чанг сақланувчи сиғим ичига тушиб, ишлаб турган пайтда ён атрофдаги цемент қолдиқлари унинг устига қулаб тушди ва ишчини бутун гавдаси билан босиб қолди. Ишчи ҳаво етишмаслигидан шу ернинг ўзида вафот этди.

Фожеани текширган тегишли мутасаддилар яна шу нарсани аниқлашдики, лойиҳа бўйича бу ишни қўл кучи билан бажариш маън этилган. Аслида сиғим ичидаги цемент қолдиғи махсус тасмали транспорт қувур ёрдамида бажарилиши керак эди. Бироқ корхона раҳбарлари ва мутасаддилари технологик дастгоҳлар эскирганлиги учун ушбу юмушни қўл кучида бажартириб келишган. Кўза кунда эмас, кунида синади, деганларидек бу соҳадаги эътиборсизлик 1974 йилда туғилган, 3 нафар фарзанднинг отаси Отажон Икромовнинг ҳаётига нуқта қўйиш билан якунланди.

Баъзида ишловчи ҳам оддийгина меҳнат хавфсизлиги талабини унутиб кўяди ёки шу соҳада узоқ йиллар ишлаганлиги учун ўзига ортиқча ишониб кетади. Техника, меҳнат хавфсизлиги қонун-қоидалари эса ишчининг ким бўлишлиги ва маълумотидан ёки бўлмаса, маҳорати ҳар қанча юқори бўлмасин, сал эса-да хатоликка йўл қўйилишини кечирмайди. Наманган электр тармоқлари бирлашмаси Чуст туман корхонасининг нурчиси Маҳмуджон Иброҳимов билан шундай ҳолат юз берди. Маҳмуджон узоқ йиллардан, аниқроғи, 28 йилдан буён шу касбда ишлаб келганидан ўз ишининг анчагина ҳадисини олган, қаторлаштириб шогирдлар ҳам тайёрлаб чиқарган эди. Соҳанинг устаси сифатида танилган электромонтёр шу йўналишда ишлаганлар учун энг осон саналган токни улаш чоғида ҳимоя қўлқопидан фойдаланмаганлиги оқибатида 2005 йилнинг 16 сентябр куни вафот этди.

Шу сингари ҳозиргина номи келтирилган туманга қарашли «Ўзбекистон» ширкат хўжалиги ҳудудидаги сув минорасини тушириш пайтида Мингбулоқ туманидаги 1-қурилиш-монтаж корхонасига қарашли «Днепр» русумли кран бошқарувчиси Аҳмаджон Иномов вафот этган. Сабаби, сув минорасини тушириш пайтида хатоликка йўл қўйган электр тармоқлари бирлашмаси Чуст туман корхонасининг нурчиси Маҳмуджон Иброҳимов ва бунинг натижасида кран ағдарилиб тушган.

– Меҳнат хавфсизлиги билан боғлиқ фожеали воқеаларни кўз олдингиздан ўтказар экансиз, афсусланмасдан иложингиз йўқ, – дейди Наманган вилояти Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бош бошқармаси бош меҳнат инспектори Аҳмаджон Йўлдошев. – Бирида раҳбар айбдор бўлса, иккинчисида вафот этган кишининг ўзи хатоликка йўл қўйган. Лекин ҳар иккисида ҳам битта сабаб: бепарволик, назоратсизлик ва масъулиятсизлик.

Ж.ОБИДОВ

ЎҚУВЧИЛАР ҚУВОНЧИ

Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси мактабларда жисмоний тарбия дарслари ва спорт машғулотлари самарадорлигини ошириш, турли спорт тўгараклари очиш ва бу борада зарур шарт-шароитларни яратишга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.

2005 йилда мазкур жамғарма ҳомийлигида Қашқадарё вилоятидаги саккизта мактабда янги спорт заллари барпо этилиб, спорт анжомлари билан жиҳозланди. Хусусан, Қарши шаҳридаги 3-ўрта мактабнинг спорт зали қурилиши ҳам ниҳоясига етказилди. Мактабга етти миллион сўмлик спорт анжомлари олиб берилди.

Айни чоғда мактаб ўқувчилари спортнинг кўпгина турлари билан мунтазам шуғулланиш имконига эга бўлди.

Чорвадорлар ҳаётида муҳим палла – қишлов давом этмоқда.

Чўли Ниёзмуродов чорвачиликни юксалтириш йўлида хизмати сингган марду майдонлар сирасига киради. Унинг фарзандлари ҳам ота касбини танлаган. Ғузор туманидаги «Ғузор» давлат наслчилик хўжалигида бир неча йилдан бери ишлаётган Чўли ака қишловни талофатсиз ўтказиш мақсадида совлиқларни зооветеринария талабларига биноан парваришламоқда.

Суратда: қўйчивон Чўли Ниёзмуродов

Ш.СУЛТОНОВ
олган сурат

Сиз уни танийсиз

ШОҲБЕКАТ МАЛИКАСИ

Лавҳа

Ўшанда Зулфияхон Андижон шаҳрининг марказидаги 1-мактабда ўқирди. Деразa ёнидаги партада ўтирарди. Ойнадан осма кўприкдаги «пўлат излар»да паровоз, унинг ортидан турнақатор бўлиб тизилиб бораётган вагонлар кўриниб турарди. Вагонлар пиллапоясида қўлига зарғалдоқ байроқча тутган, темирйўлчилар кийимидаги қизлар кўз олдидан липиллаб ўтарди. Бу манзаралар унинг мурғак қалбида эртакнамо хислар уйғотар, хаёлан поездга ўтириб олис ўлкаларга саёҳатга йўл оларди.

Шунданми, 10-синфни тамомлагач, таҳсилни қайси ўқув даргоҳида давом эттиришни ўйлаб ўтирмади. Отаси Орзиқул ака ҳам қизининг раъйини қайтармади. Тошкент темирйўллар институтининг муҳандислик факультетига ўқишга кирди. Мана орзу-ҳаваcларга лиммо-лим талабалик йиллари, опа-сингилга айланган қадрдон дугоналар, олийгоҳнинг қандиллардан чарақлаган залидаги хайрлашув кечаси, ота ўрнини босган оқсоч домлалар ортда қолди. У Андижон темирйўл шоҳ бекатида йўл ҳужжатларини расмийлаштириш бўлимида йўриқчи вазифасида ишлай бошлади.

Қиз темирйўлчилар жамоасининг аҳил, талабчан, ҳамжиҳат оиласига тез орада сингишиб кетди. Шоҳбекат бошлиғи Абдурашид ака Мамажонов, навбатчи Муҳаммаджон ака Тўхтаохуновлар ёш ходимга устозлик қилди. Касбига фидойилиги, ташкилотчилиги, одоби, ишига пухталиги билан каттаю кичикнинг меҳрини қозонди. У халқ хўжалиги ва йўловчиларнинг юкларини техник талаблар бўйича синчковлик билан кўрикдан ўтказарди, божхона қонунчилигига қатъий амал қиларди. Ҳужжатлар расмийлаштирилишида сансалорликка йўл қўйилмасди.

Натижада вагон хўжалигида тартиб-интизом мустаҳкамланди. Энг муҳими, уларнинг бекор туриб қолишига, олдингидек беҳуда жарима тўлашларга барҳам берилди. Зулфияхон ҳақидаги илиқ гаплар «Ўзтемирйўловчи» республика очиқ акциядорлик жамияти Фарғона филиали раҳбарияти эътиборига тушди. Зулфияхон Иброҳимова тез орада Андижон шоҳбекати бошлиғи лавозимига тайинланди.

... Зулфияхонни хизмат хонасида учратиш мушкул. Чунки у кўп вақтини шоҳбекат ҳудудида ўтказишга одатланган.

Халқимиз орасида замон сенга боқмаса, сен замонга боқ, деган ҳикматли нақл юради. Янги етакчи шоҳбекатда йўловчиларга хизмат кўрсатиш маданиятини яхшилаш, қулай маиший шарт-шароит муҳайё қилиш, техника хавфсизлиги қоидаларига риоя этиш, ишловчиларнинг ишлаб чиқариш ва маиший шароитини такомиллаштириш, транспорт хизмати турларини кенг жорий этишга алоҳида аҳамият бераётганлигининг боиси ҳам шунда.

Бу борада темирйўл транспорти тизимида мулкчиликнинг янги шакли – хусусийлаштириш Зулфияхонга қўл келаяпти. Маҳаллий тадбиркор Дилфузахон Эшонхўжаева билан ҳамкорликда шоҳбекатда «Андижонйўловчи сервис» хусусий фирмаси ташкил қилинди. Маълумотхона, 4 та чиптахона фирманинг тасарруфига ўтказилди. Кафе, юкхона, почта хизмати кеча-кундуз мижозлар ихтиёрида. Йўловчилар уйини тарк этмай, «Ишонч» телефонлари орқали чиптахоналарга ўзлари хоҳлаган манзилларга буюртма беришлари мумкин. Нафақат Андижон, Фарғона шаҳарлари, балки ҳамдўстлик мамлакатларига саёҳат уюштириш, тижорат тадбирларини амалга оширмоқчи бўлсангиз, «Ахборот-маълумот» маркази хизматингизга мунтазир. Сизга чипта нархидан бошлаб, ҳужжатларни расмийлаштириш, қайси меҳмонхоналарда жойлашиш, улардаги сервиз хизмати ҳақида атрофлича йўл-йўриқ берилади.

Шу кунларда Зулфияхон йўловчиларга хизмат кўрсатиш турини кўпайтириш мақсадида «Ўзтемирйўловчи» очиқ акциядорлик жамияти Фарғона филиали раҳбарияти билан биргаликда саъй-ҳаракат олиб бормоқда.

– Россия билан Ўзбекистон ўртасидаги дўстликнинг қалинлашуви, – дейди Зулфияхон Иброҳимова – ҳар икки мамлакат сиёсий-ижтимоий, иқтисодий алоқаларининг мустаҳкамланишига замин яратмоқда. Кўнгил-кўнгилдан сув ичади, деганларидек, ҳамдўстлик шарофати боис, икки давлат ишбилармонлари учун янги имкониятлар очилмоқда. Айни кунларда Россия Федерациясининг 10 тадан ортиқ шаҳар ва вилоятлари бўйича янги йўналишлар очилган. Пермь, Саратов, Самара, Нижний Новгород шаҳарлари шулар жумласидандир. Яқин кунларда юкларни ушбу манзилларга элтиш муаммоси ҳам ечимини топади. Шоҳбекат ҳузурида ижарага олинган юк ташувчи машиналар паркини барпо этишни режалаштиряпмиз.

Андижон шоҳбекатининг техника парки замонавий, тез юрар, йўловчиларга ҳар жиҳатдан қулай поездлар ҳисобига янгиланмоқда. Россиядаги вагонсозлик корхоналари билан шу ҳақда шартномалар имзоланди.

Шу кунларда маҳаллий йўналишлар бўйича жами 4 та поездлар қатнамоқда. Яъни Андижон-Наманган, Қўқон-Андижон йўналишида 2 та тезюрар поезд, Андижон-Тошкент, Тошкент-Андижон йўналишида 2 та поезд ҳафтанинг шанба, якшанба кунлари йўловчиларнинг узоғини яқин қилмоқда. Қатнов графигига амал қилиш, йўловчиларни манзилларига бехатар етказиш шоҳбекат жамоасининг диққат-марказида.

Иқтисодиётимизнинг барча тармоқларида бўлгани каби, мамлакатимиз «пўлат излари» тизимида ҳам ислоҳотлар чуқурлашуви изчил давом эттирилмоқда. Шоҳбекат маликаси билан шу ҳақда суҳбат қурамиз. Аён бўлишича, давлат дастурига асосан, 2007 йилдан бошлаб пойтахтимиз билан боғловчи янги темир йўл магистрали қурилиши қизғин тус олади. Айни кунларда геология-қидирув-разведка ишлари жадал бормоқда.

Тармоқда йўловчилар ташиш топшириқлари зиёдаси билан адо этилмоқда. Бу шоҳбекатда собитқадамлик билан амалга оширилаётган техник-технологик ва муҳандислик янгиланишларнинг мевасидир. Йўловчилар ташиш режаси ошириб бажарилмоқда. Бу тармоқдан олинаётган пул даромадлари ҳажмининг кўпайишига олиб келмоқда.

Меҳнатга рағбат, ишловчиларга ғамхўрликдан жамоа мамнун. «Темирйўлчилар куни», «Мустақиллик куни», «Халқаро хотин-қизлар куни» каби халқ шодиёналарида, касб байрамларида меҳнат фахрийлари, ишлаб чиқариш илғорлари, боқувчисини йўқотган, кам таъминланган оилалар, етим-есирлар, билан бир пиёла чой устида дийдорлашиш, совға-саломлар улашиш анъанага айланган. Ана шу хайрли тадбирларга ўтган йилда ярим миллион сўмга яқин пул маблағлари сарфланди. Ўртача иш ҳақи 70 минг сўмдан ошди.

Р.СОБИРОВ

Алимент ундириш учун судга мурожаат қилиш тартиби

Саволингизга ҳуқуқшунос Замира Эсонова жавоб беради

САВОЛ: алимент ундириш учун судга мурожаат қилиш тартиби ҳақида тўлиқ маълумот берсангиз.

С.ЙЎЛДОШЕВА,
Қашқадарё вилояти

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Процессуал Кодексининг 5-моддасида кўрсатилишича, ҳар қандай манфаатдор шахс ўзининг бузилган ҳуқуқи ва қонун билан қўриқланадиган манфаатини ҳимоя қилишни сўраб қонунда белгиланган тартибда судга мурожаат қилишга ҳақли. Алимент ундириш тўғрисидаги ишларда манфаатдор шахслар сифатида вояга етмаган ва ёрдамга муҳтож, меҳнатга лаёқатсиз оила аъзолари ҳисобланади. Шунингдек, судда вояга етган ва Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 28-моддасига биноан тўла муомалага лаёқатли деб эълон қилинган шахслар ўз ҳуқуқларини шахсан ҳимоя қилишлари мумкин.

Ота-оналар ёрдамга муҳтож, меҳнатга лаёқатсиз вояга етган шахсларга алимент ундириш тўғрисидаги даъволарни тақдим этишга ҳақли эмас. Бу ҳолатда даъво аризаси меҳнатга лаёқатсиз шахс томонидан берилади. Агар даъво руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги натижасида суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган вояга етган шахс манфаатини кўзлаб берилаётган бўлса, даъво аризаси унинг номидан мазкур фуқаронинг васийси томонидан берилиши мумкин. Аксарият ҳолларда алиментга оид ҳуқуқий муносабатларнинг субъекти бўлиб, ўзининг ота-онасидан таъминот олиш ҳуқуқига эга бўлган фарзандлар ҳисобланади. Лекин муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган болалар даъво тақдим эта олмайди. Шунинг учун алимент ундириш тўғрисидаги даъвони бола билан бирга яшаётган ота ёки онасидан бири тақдим этади.

Даъво фарзанд номидан эмас, балки аризачи номидан тақдим этилсада, мазкур аризачи даъвогар ҳисобланмайди. У фақатгина даъвогар вакили ҳисобланади, даъвогар сифатида эса таъминотига алиментлар ундирилаётган фарзанд кўрилади. Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Процессуал Кодексининг 39-моддасига кўра, даъвогар деб ўзининг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари ёхуд қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида судга мурожаат этган ёйинки манфаатини кўзлаб иш қўзғатилган шахс тушунилади.

Алимент миқдорини камайтириш ва алиментни тўлашдан озод қилиш тўғрисидаги ишларда даъвогар сифатида алимент тўловчилар кўрилади.

Алимент ундириш тўғрисидаги ишларда қонун асосида тарафлар таркибининг аниқлаш ҳақидаги масаланинг тўғри ҳал қилиниши амалиёт учун катта аҳамиятга эгадир. Чунки алимент ундириш тўғрисидаги ишда фарзанд даъвогар бўлади ва у алимент ундириш тўғрисидаги даъвогар ҳуқуқи мавжуд ҳамда вояга етмаган боланинг субъектив ҳуқуқи иш бўйича чиқарилган суднинг ҳал қилув қарори ёки суд буйруғи билан тасдиқланади. Боланинг ота-онаси маълум бир сабабларга кўра тарбияга бўлган ҳуқуқини амалга ошира олмаса, боланинг янги қонуний вакили алимент тўлашга мажбур бўлган шахсга нисбатан олдин ҳам берилган алимент ундириш тўғрисидаги даъвони тақдим эта олмайди, чунки айнан шу масала бўйича аввал тақдим этилган даъво аризаси кўрилган ва ҳал қилинган ҳамда иш юзасидан суднинг ҳал қилув қарори чиқарилган.

Агар фарзанд болалар муассасасига жойлаштирилган ва унинг ота-онаси унинг таъминоти учун маблағ тўлашдан тўлиқ ёки қисман озод этилмаган бўлса, ота-онасидан алимент ундириш тўғрисидаги даъво болалар муассасаси томонидан берилади.

Маълумки, фарзанд болалар муассасаларига жойлаштирилганда, уларнинг таъминотига кетган ҳаражатлар қонунда белгиланган миқдорда Оила Кодексининг 99-моддасига биноан ота-онасидан ундирилади. Бу ҳолатда даъво ота-она жавобгарларга тақдим этилади. Иш бўйича даъвогар сифатида болалар муассасаси манфаатларини ҳимоя қилаётган фарзанд кўрилади, Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 106-моддасининг 2-қисмида берилган Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси шарҳларда кўрсатилишича: «Болалар тегишли муассасаларда бўлганларида уларнинг таъминоти учун алимент ана шу муассасалар фойдасига фақат болаларнинг ота-оналаридан ундирилади. Бундай ҳолда ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг вояга етган акалари ва опалари, бувилари ва боболари алимент тўлашга жалб қилиниши мумкин эмас».

Ота-оналар ҳомийлигида бўлмаган ва тарбия муассасаларида, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва шу каби бошқа муассасаларда бўлган болалар фойдасига ундириладиган алиментлар мазкур муассасалар ҳисобига ўтказилади.

Боланинг ота-онаси ёки улардан бири вояга етмаган шахс бўлиши мумкин. Агар улар орасидаги никоҳ қайд этилган бўлса, вояга етмаган эр ёки хотин тўлиқ фуқаролик муомала лаёқатига эга бўлади. Бу ва бошқа ҳолларда вояга етмаган она вояга етмаган отага нисбатан алимент ундириш тўғрисидаги даъвони тақдим этади. Вояга етмаган она ёки отага кўмаклашиш мақсадида суд ишга унинг ота-онасини, фарзандликка олувчи ёки ҳомийларни жалб қилиши мумкин. Мазкур шахсларнинг ишга жалб қилиниши суднинг ихтиёрига боғлиқ. Бошқа ҳолларда вояга етмаган ота-оналарнинг ҳуқуқлари уларнинг қонуний вакиллари томонидан ҳимоя қилинади. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Процессуал Кодексининг 51-моддасида қонуний вакиллар судда ишни олиб боришни бошқа шахсга топшириши мумкинлиги кўрсатилган.

Эр-хотиндан бирининг, ота-оналар ва бошқа вояга етган меҳнатга лаёқатсиз шахсларни таъминоти учун маблағ ундириш тўғрисидаги даъволари шу шахсларнинг ўзлари томонидан берилади. Зарур бўлган ҳолларда улар вакиллар орқали ўз ишларини юритишлари мумкин, бу эса аризачиларни ишда шахсан иштирок этиш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди. Вакилнинг ваколатлари нотариал тартибда тасдиқланган ишончномада кўрсатилган бўлиши керак. Қонунга биноан ишончномалар ишонч билдирувчи ишлаётган ёки ўқиётган корхона, муассаса ёки ташкилот, фуқаро даволанаётган стационар даволаш муассасаси маъмурияти, агар ишончнома ҳарбий хизматчига берилаётган бўлса, тегишли ҳарбий қисм, агар ишонч билдирувчи озодликдан маҳрум қилиш жойларида бўлса, у ердаги маъмурият томонидан тасдиқланади. Вакил сифатида адвокат қатнашган ҳолларда эса унинг ваколатлари ҳуқуқий маслаҳатхона томонидан берилган ордер билан тасдиқланади.

Алимент мажбуриятларининг хусусиятларидан бири шуndаки, баъзи ҳолларда алимент мажбуриятларининг субъектлари сифатида бир неча шахс қатнашиши мумкин. Бу эса мазкур туркумдаги ишлар бўйича процессда шерик иштирокчиларнинг иштирокини таъминлайди. Масалан, шерик жавобгарлар сифатида ота-оналар бобоси, бувиси, акаси, опаси ва қонунда кўрсатилган бошқа шахслар шулар жумласидандир.

Ташриф

КАСАБА УЮШМА ВАКИЛЛАРИ

ҳарбийлар ҳузурида

Эшик олдида турган солдат шеригига деди:

— Эшитдингми, меҳмонлар келишармиш. Хойнаҳой концерт ҳам қўйиб беришса керак?

— Ҳа, бундан менинг ҳам хабарим бор. Ўтган сафар келишганда қизиқ-қизиқ мавзуларда суҳбатлар ўтказишгани ҳалиям ёдимда.

Дарҳақиқат, жорий йилнинг «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» деб аталиши жойлардаги касаба уюшма ташкилотларига ҳам катта масъулият юкламоқда. Улар турли ўқув юртларида, ҳарбий қисмларда, интернатларда бўлиб ҳомийлик ёрдамини кўрсатишяпти. Ана шундай тадбирлардан бири Зангиота туманидаги ҳарбий қисмларда бўлиб ўтди. Тошкент вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан ҳарбийларга турли хил совғалар, шу жумладан рангли телевизор совға қилинди.

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшма вилоят вакиллиги раҳбарияти эса Келесдаги ҳарбий қисмда бўлишди. Ота-оналар ҳамда турли жамоатчилик ташкилотлари вакиллари иштирокидаги давра суҳбатлари ўзгача бир файз кашф этди. Шу куни ҳарбий қисмнинг зобитлари ҳамда аскарларига эсдалик совғалари тақдим этилди. Таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Тошкент вилоят вакиллиги ходимлари иштирокида Бўстонлиқ туманидаги чегара қисмининг зобитлари ҳамда аскарлари ҳузурида бўлиб ўтган учрашув ҳам кўпчиликда яхши таассурот қолдирди.

Р.НЕЪМАТОВ

«Ишонч» ҳуқуқий маслаҳатхонаси

Саволингизга Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Марказий кенгаши Бош мутахассиси Йўлдош Аҳмедов жавоб беради

САВОЛ: 1.Бола икки ва уч ёшга тўлгунга қадар бола парваришлаш учун бериладиган таътилдан педагог аёллар июн, июл ва август ойларида ишга қайтмаса, унга тўланадиган иш ҳақи қаердан олиб тўланади? (бу вақтда у кишининг дарс соати бошқа кишига берилган ҳамда ўқувчилар таътилда бўлишади).

2.Ногиронлик гуруҳида бўлган ишлаб турган педагог ходимларга устама ҳақ тўлаш мумкинми?

С.АБДУЛЛАЕВ,
Шаҳрисабз тумани

ЖАВОБ: Бола 2 ва 3 ёшга тўлгунга қадар бола парваришлаш учун бериладиган таътилдан педагог аёллар июн, июл ва август ойларида ишга қайтса, мактаб директори ўқитувчилар 26 августда ишга қайтишларини тушунтириши керак бўлади. Бироқ ўқитувчи шу ойларда ишлашига тўғри келиб қолса, халқ таълими бўлими билан келишган ҳолда иқтисод қилинган маблағдан иш ҳақи тўланиши мумкин.

2.2004-2005 ўқув йилидан бошлаб ўқитувчининг ойлик маошларига қўшимча тарзда умумтаълим муассасалари ўқитувчиларига касб маҳорати ва ўқув жараёнига қўшган аниқ улуши, юқори самарадорлик ва ўқитиш сифати учун ўқувчиларнинг тест синови натижалари бўйича аниқланадиган таълим стандартларини ўзлаштириб олиш даражасига қараб махсус устамалар белгилаш бўйича эксперимент ўтказилди. Бунда ўқитувчининг ногиронлик гуруҳида бўлиши ёки бўлмаслигига қараб устама ҳақ тўланмайди.

Ўзбекистон билан Корея Республикаси ўртасидаги алоқалар барча жабҳаларда, хусусан, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида ҳам изчил ривожланиб бормоқда. Тошкент ахборот технологиялари университети (ТАТУ) билан Жанубий Кореянинг Сеул, Хосео, Ёнгам каби йирик олий ўқув юртлари ўртасида самарали алоқалар йўлга қўйилгани бунга ёрқин мисол бўла олади.

АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН СЕМИНАР

Айни кунларда ТАТУда Жанубий Кореянинг Ахборот технологиялари бўйича халқаро тадқиқот маркази (ITIRC) билан ҳамкорликда Сеул ҳамда Хосео университетлари профессорлари иштирокида Ўзбекистон-Корея ахборот технологиялари тренинг-семинари давом этмоқда.

«Мультимедиа технологиялари» ҳамда «Linux» очиқ дастурига оид мавзуларга бағишланган мазкур тадбирда юртимиздаги ахборот технологиялари йўналишида фаолият юритаётган соҳа ходимлари, университет профессор-ўқитувчилари, талабалар иштирок этаётир.

- «Linux» очиқ дастури - операцион тизим бўлиб, компьютернинг ишлаши учун муҳит яратади, - дейди Сеул университети профессори Керн Кох. - Сўнгги йилларда жаҳонда ана шундай очиқ кодли дастурлар кенг истеъмолга кирмоқда. Чунки, у жуда қулай. «Linux» фойдаланувчини дастурлаш оламига етаклайди. Содда қилиб айтганда, бунда ишлаган одам дастурни ўзи хоҳлагандек кенгайтириши, янада такомиллаштириши мумкин. Бунинг учун ҳеч қандай сарф-харажат талаб қилинмайди.

Семинарда «Ахборот технологиялари ривожланаётган давлатларнинг телекоммуникация инфратузилмасини такомиллаштириш истиқболлари» мавзуидаги маърузаси билан иштирок этаётган Жанубий Кореядаги «Modacom» компанияси президенти Жонг Хи Ли Ўзбекистонда ушбу соҳани ривожлантиришга бўлган эътиборни юқори баҳолади. Унинг фикрича, Ўзбекистон ахборот технологиялари соҳасини ривожлантириш учун улкан имкониятларга эга мамлакатдир.

(ЎзА)

Қонун барчага баробар

МЎМАЙ ПУЛ ЖАЗАВАСИ

ёхуд ойни этак билан ёпиб бўлмайди

Ҳаёт тақозоси билан тадбиркорлик ва ишбилармонлик давр талабига айланди. Бир замонлар шахсий мулк, хусусий мулк тушунчаларидан йироқ бўлган одамлар бугунги кунга келиб унинг шарофатини қалбан ҳис эта бошладилар. Дилларида тўғри ишласам, ҳалол пул топсам, бой-бадавлат бўламан, деган фикрлар пайдо бўлди. Бугун тадбиркорлар юртимиз бойлигига бойлик қўшишмоқда. Уларнинг меҳнати, саъй-ҳаракати билан қатор қўшма корхоналар, хусусий фирмалар, янги иш жойлари вужудга келмоқда.

Аммо, гуруч курмаксиз бўлмаганидек, баъзи бир фуқароларнинг тадбиркорлик ниқобига ўраниб олиб, ноқонуний фаолият кўрсатаётганига, олиб борилаётган катта ишларга соя солаётганига асло бефарқ қараб бўлмайди. Бу ниманинг оқибати? Аввало енгил-елпи пул топиб, мўмай бойлик орттиришга берилишнинг оқибати. Бели оғримай нон ейишга одатланган одамнинг фикри хаёлида кимга қандай чап бериб, қандай пул топсам экан, деган фикрдан бошқа нарса бўлмайди. Ўзини ҳар мақомга солиб, текин даромад орттиришнинг пайида бўлади. Улар ўзларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари билан турмушимизга катта зарар келтираётганликларини хаёлларига ҳам келтиришмайди.

Мўмай пул жазаваси Тошкент вилоятининг Чирчиқ шаҳрида фаолият кўрсатаётган «BIRMA SUN» масъулияти чекланган жамиятининг молиявий фаолиятини издан чиқарди. Унинг мансабдор шахслари ўз вақтида давлат солиқ инспекциясига ҳисоботларни тақдим қилишни ўзларига эп кўришмади. Оқибатда МЧЖнинг товар айланмаси 623 миллион 873 минг сўмни ташкил этганлигига қарамай, солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар ўз вақтида амалга оширилмади. Қисқа фурсат ичида «BIRMA SUN»да яна бир ҳуқуқбузарликка йўл қўйилди. Спиртли ичимликлар ва тамаки маҳсулотларининг савдосидан тушган 42 миллион 466 минг сўм нақд пул банкка атайин топширилмади.

Ҳисоботларни давлат солиқ инспекцияларига тақдим этмаслик ва бюджетдан ташқари тўланадиган бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш ҳоллари, афсуски, ягона ҳол эмас. Худди шундай ҳолатга йўл қўйганлиги учун «ODOB PREMERA FAYZ» масъулияти чекланган жамиятининг мансабдор шахслари қонун олдида жавоб беришмоқда. Чирчиқ шаҳар ҳокимининг 2005 йил 30 мартдаги 2594-сонли қарорига мувофиқ ташкил этилган жамият шу куни солиқ тўловчи ҳуқуқий шахс сифатида Чирчиқ ДСИ томонидан рўйхатга олиниб, унга идентификация рақами берилган. Лекин шундай имкониятни қўлга киритган МЧЖ мутасаддилари қалбаки ҳужжатлар билан иш юритишни ўзларининг касбкорларига айлантиришди. Олинган тезкор маълумотлар асосида ўтказилган текширишлар сохта тадбиркорларнинг асл қиёфасини фош этди. МЧЖ раҳбарларининг миси чиқди. Уларга ҳокимият томонидан ҳеч қандай рухсат гувоҳномалари умуман берилмаган экан. МЧЖ раҳбарлари ушбу ҳужжатларни қалбакилаштириш эвазига ўзларининг ноқонуний фаолиятларини амалга ошириб келишган.

Ойни этак билан ёпиб бўлмайди. «Узприватбанк»нинг Тошкент шаҳар бўлими томонидан берилган маълумотлар МЧЖдаги пул найрангларини фош қилиб ташлади. «ODOB PREMERA FAYZ»нинг ҳисоб-рақамига ўтган йилнинг 1 апрелидан 19 апрелига қадар катта суммада пул келиб тушган. Ушбу маблағлар МЧЖнинг махсус ҳисоб-рақамлари орқали ароқ, вино, ёғ ва тамаки маҳсулотлари учун ўтказиб берилган. Олинган маҳсулотлар эса нақд пулга сотилиб, чўнтакка урилган. Савдодан тушган пуллар на назорат касса машинасидан ўтказилган, на банк муассасаларига етиб борган. Натижада солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш қасддан яширилган. Ноқонуний хатти-ҳаракат қимматга тушди. МЧЖ молиявий жаримага тортилди.

Яширин иқтисодиёт тараққиёт кушандаси. Шунинг учун ҳам унга қарши курашиш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан бирига айланган. Бу борада бошқармамиз бўлимлари ходимлари томонидан ҳам катта ишлар олиб борилмоқда. Кўрилаётган чора-тадбирлар туфайли яширин иқтисодиётнинг йўлига кескин ғов қўйилиб, пайи қирқилмоқда. Олмалиқлик Ё.Пиров билан А.Мирзаев ўзаро тил бириктириб, хонаки усулда қўлбола ароқ ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Бу ишларнинг бозори чаққонлигидан улар ҳатто ўзларини қўярга жой топа олмай қолишди. Сохта тадбиркорларнинг кўзлари мўмай пулга маҳлиё бўлиб, ўзлари тузоққа қандай илинганликларини билмай қолишди. Ўтказилган тезкор тадбирда А.Мирзаевнинг хонадони кўздан кечирилганда 141 шиша ароқ, 66 литр спирт, 1635 дона темир ва полиэтилен қопқоқ, 1360 дона қалбаки акциз маркаси ҳамда 257 та шиша идиш, ароқ ясашда ишлатиладиган бошқа ускуналар чиқди.

Белгиланган тартибда рўйхатдан ўтишдан бўйин товлаб, ноқонуний савдо-сотиқ ишлари билан шуғулланаётган олмалиқлик яна бир ишбилармон Д.Абдуллаеванинг яширин фаолиятига чек қўйилди. Алпомиш кўчасидаги дўконда харидорга бир шиша қўлбола ароқ билан бир дона салқин ичимликни 1450 сўмга чек бермай пуллаган устаси фаранг бу сотувчи қилни қирқ ёрадиган ходимларимизга чап бераолмай доғда қолди. Тегишли ҳужжатлари бўлмаган 70 шиша қўлбола ароқ, 25,5 литр спирт, 88 шиша вино ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари дўкон пештахтасидан олиб қўйилди. Ҳуқуқбузарнинг ўзига нисбатан эса амалдаги қонунларимизга мувофиқ чора кўрилди. Шундай қилмиши учун янгийўллик Б.Икромов ҳам ҳозир қаттиқ пушаймон бўлмоқда. У ўз уйида 120 шиша қўлбола ароқнинг ҳар бирини 850 сўмдан, жами 102 минг сўмга сотган вақтида тезкор ходимларимиз томонидан ушланди. Хонадонидаги 34,5 литр спирт, 11 шиша спиртли ичимлик ҳамда 158 дона қалбаки акциз маркалари мусодара этилди.

Ф.ҲАМДАМОВ,
Тошкент вилоят прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бошқармаси бўлим бошлиғи

МЕҲРИБОНЛИК УЙИ БИРЛАШМА ҲОМИЙЛИГИДА

"Жиззахпахтасаноат" ҳудудий акциядорлик бирлашмаси жамоаси Жиззах шаҳридаги 29-Меҳрибонлик уйини ўз ҳомийликларига олди.

Улар бу ерда тарбияланаётган болаларга доимий ғамхўрлик кўрсатиб келмоқдалар. Яқинда Меҳрибонлик уйининг бир хонаси қайтадан таъмирланиб, жиҳозланди. Шунингдек, рангли телевизор, музлатгич, стол-стуллар, мебеллар совға қилинди. Ҳар байрамда тарбияланувчиларга турли совға-саломлар, кийим-кечаклар, турли бадиий китоблар инъом этилмоқда.

Н.БЎРИЕВ

«Respublika Ko'chmas mulk birjasining Toshkent shahar filiali»

Харидорларни аукцион савдоларига таклиф қилади!

«Respublika Ko'chmas mulk birjasining Toshkent shahar filiali»нинг навбатдаги аукцион савдолари 2006 йилнинг 18, 21, 23, 25, 28 феврал ва 2, 4, 7, 9, 11, 14, 16, 18, 23, 25, 28 ва 30 март кунлари ўтказилади.

Аукцион савдоларига Тошкент шаҳар, Сергели тумани суд ижрочилари бўлинмаси томонидан «Тошкент тажриба таъмирлаш механика заводи»га тегишли бўлган қуйидаги объектлар қўйилмоқда:

1. 1955 йилда қурилган, баландлиги 4-метр ҳамда умумий майдони 140 кв.м.га тенг бўлган Қозонхона биноси мўрилари билан (Здание котельной с газоходами).

Бошланғич нархи – 2 692 807 сўм

2. 1955 йилда қурилган бир қаватли, баландлиги 4 метр ҳамда умумий майдони 125 кв.м.га тенг бўлган «Электрматериаллар омборхона биноси» (Здание складов электроматериалов).

Бошланғич нархи – 1 243 557 сўм.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун аризалар қабул қилиш савдодан 2 соат аввал тўхтатилади.

Савдоларда қатнашиш учун объект бошланғич баҳосидан 10 фоиз миқдорида закалат пули тўланади.

Аукцион савдолари соат 11.00 да бошланади.

Биржа ва аукцион савдоларига қўйилган кўчмас мулк объектлари эгаси бўлишни истасангиз қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишингизни сўраймиз:

Тошкент шаҳар, Бухоро кўчаси, 10-уй, 3-қават, 35 ва 45-хоналар.

Телефонлар: 136-15-29, 136-28-75, 144-44-72, 144-44-73

Фан

Энергия ресурсларидан тежамли ва оқилона фойдаланиш ғоят муҳим вазифа. Бу соҳада мавжуд резервларни қидириб топиш иқтисодиётни юксалтириш билан бирга атроф-муҳит муҳофазасини яхшилаш, табиат мусаффолигини таъминлаш имкониятларини яратади.

ҚУЁШ ИССИҚХОНАЛАРИ

халқ хўжалигига хизмат қилади

Табиат неъматлари беҳисоб эмас. Халқаро энергетик йилномада республикамиз нефт заҳиралари 83 миллион тоннани, газ 1 триллион 875 миллиард куб.метрни ташкил қилиши қайд этилган. Ёқилғи-энергетика ресурслари билан таъминлашда нефт ва газ улушини тобора камайтириш, илм-фан ютуқларидан фойдаланган ҳолда энергия ҳосил қилишнинг муқобил турларини ишга тушириш яхши натижа беради.

Бутун республикамизда бўлгани каби Қашқадарёда ҳам муқобил энергия манбалари ҳисобланган сув, шамол, қуёшдан самарали фойдаланиш учун етарли имконият ва шароит мавжуд. Қадимда ота-боболаримиз сув ва шамол орқали чархпалакларни юритишган, тегирмонларни ишлатишган. Бундай усул ҳамма вақт ўзини оқлаган, катта иқтисодий фойда келтирган.

Қарши Давлат университети жамоаси муҳандис-техник ходимлар, иқтидорли талабалари халқ хўжалигининг турли тармоқларида янги технологияларни жорий этиш соҳасида муайян ишларни амалга оширишаяпти. Олимлар аккумуляторли қуёш иссиқхоналари, мева қуритгичлари, пахта ва донадор қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қуритишга мўлжалланган комбинациялаштирилган барабанли қуритгичларнинг янги конструкцияларини ишлаб чиқдилар. Лойиҳалар Вазирлар Маҳкамаси қошидаги патент идорасига юборилиб, 2004 йилда уларнинг 4 тасига рухсат олинди ва Ўзбекистон Фанлар академиясининг «Ёш ихтирочилар» конкурсида совринли ўринга лойиқ топилди.

Бозор иқтисодиёти шароитида фан-техника янгиликлари ва ихтироларига бўлган талаб ошиб бориши табиий ҳолдир. Буни интеллектуал салоҳият соҳибларининг илмий техник тажрибаларини ишлаб чиқаришда кенг қўлланилаётгани ҳам тасдиқлаб турибди.

– Дорилфунун олимлари вилоят ёқилғи-энергетика мажмуи фаолиятини мувофиқлаштириш кенгаши билан биргаликда ўлчамлари 1600 миллиметрга, ҳажми 60 литргача бўлган сувни 40-70 даражагача иситиб бера оладиган қуёш энергияси билан ишлайдиган учта гелиоқурилма тайёрладилар, – дейди Қарши Давлат университети физика факультетининг декани, профессор Ботир Хайриддинов. – Бир кечакундузда 500 литр иссиқ сув бериш қувватига эга мазкур қурилмалар фойдаланиш учун «Муборакнефтгаз» унитар корхонаси ихтиёрига берилди.

Ўлчами 2000х1600 миллиметрли яна битта гелиоқурилма Қарши Давлат университетига тажриба ўтказиш учун тақдим этилди. Эътиборлиси, бундай ускуналар ёрдамида 1 литр сувни 18 даражадан 45 даражага иситишда 0,0317 квт.соат электр энергияси тежалди. Агар бир кишига кеча-кундузда 250 литр сув берилиши эътиборга олинса, ундан тежалган энергия 7-9 киловатт соатни, ҳар бир хонадон учун суткасига тахминан 30-40 квт.соатни ёки 9-10 килограмм шартли ёқилғини ташкил этади.

Қуёш души, сув қиздиргич, қуёш энергиясини тўплайдиган қурилмаларнинг бир қанча модуллари ишлаб чиқилди. «Қуёш лимонарийси», «Пахтани қуёш қурилмаси ёрдамида қатламлаб қуритиш» ускуналари, паррандахона, бузоқхона ва иссиқхона ҳавосини совутиш ҳамда чиқиндиларни майда доналарга айлантириб, қуритиш натижасида ўғит тайёрлаш, пиллани буғлаш ва қуритиш сингари жараёнлар билан боғлиқ қурилмаларнинг конструкцияларига ихтирочи гувоҳномалари берилди.

Физика факультетининг гелиополигонида синовдан ўтказилган қуёш энергияси ёрдамида ипак қуртини боқиш ва пилла қобиғини буғлаш ускунаси қўшимча энергия сарфламасдан маҳсулот етиштириш имконини берди. Ҳолбуки, бир қути пиллани оддий усулда етиштириш ва қуритиш учун 1,45 тонна шартли ёқилғи сарфланади.

Олимлар томонидан яратилган «Даврий зарб тўлқини генератори» ёрдамида иссиқ ва масса алмашуви жараёнини 1,5-2 марта интенсивлаштириш мумкин. Бундай янгиликлар туфайли ёш олимлар, аспирантлар, магистрлар ва иқтидорли талабалардан 15 нафарига патентлар берилди.

Университетнинг физика факультети қошида иссиқлик мажмуаси ва вилоят моддий-техника таъминоти базаси билан ҳамкорликда республика Фанлар академияси «Физика қуёш» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси, физика-техника институти, энергетика ва автоматика институтлари билан тузилган ҳамкорлик шартномаларига мувофиқ «Паст ҳароратли гелиоқурилмалар физикаси» илмий ўқув муаммоли лабораториялар ташкил этилди.

– Ихтирочиликни ривожлантириш учун етарли даражада кадрлар заҳирасига эгамиз, – дейди профессор Б.Хайриддинов. – Улардан самарали фойдаланиш учун университетда патент бўлими очилиб, информацион фонд ташкил этилди. Ақл, билим, тафаккур жамият ривожини тезлаштиришга хизмат қилади.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, қуёш энергияси ёрдамида ишлайдиган электр станциясидан 25 йил фойдаланса бўлади. Бу муддат ичида электр энергияси учун тўловларнинг ҳозирги нахрларида 1 квт қувватга эга бўлган қурилма камида 4500 доллар фойда келтиради. Айни пайтда унинг табиатга ҳам, экологияга ҳам ҳеч қандай зарари йўқ.

Республика фан ва технологиялар маркази, мамлакатимиз олий ўқув юртларининг олимлари бундай фойдали янгиликларни ишлаб чиқаришга кўпроқ жорий этсалар, ёқилғи-энергетика ресурсларини тежаш ва республика иқтисодиётини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшган бўлар эдилар.

И.ИСОМИДДИНОВ

Рангтасвир

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий, таниқли санъатшунос ва рангтасвир устаси Гофур Абдураҳмоновнинг ўзбек рассомчилиги ривожига қўшган ҳиссаси улуғ. Устоз мураббий ва истеъдодли ижодкор Ғ.Абдураҳмонов катта изланишларга тўла ҳаёт йўлини босиб ўтиб, бугунги кунда ўзининг етмиш ёшини нишонламоқда.

ҲАЁТ ҲАҚИДА ҚЎШИҚ

У Тошкент туманининг Келес қишлоғида дунёга келди. 1955 йили П.Беньков номидаги бадиий билим юртини тугатди. У ерда М.Набиев, Х.Раҳмонов, Т.Оганесов каби устозлардан сабоқ олди. Сўнгра Тошкент театр ва рассомчилик институтини профессор Р.Аҳмедов устахонаси бўйича битириб чиқди. Ғ.Абдураҳмонов бадиий ижод билан шуғулланиш баробарида узоқ йиллар масъул вазифаларда ҳам ишлади. Ўн йил давомида Беньков номидаги бадиий билим юртини бошқарди, Ўзбекистон рассомлар уюшмасида шунча вақтдан ортиқ тафтиш комиссиясининг раиси сифатида фаолият кўрсатди. Шунга қарамай рангтасвир санъатида баракали ижод қилди. Унинг асарларида характерли хусусият шундаки, томошабин эътиборини тасвир қаърига теранроқ олиб кириш, воқеалар негизини лўнда ифодалаш, таъсирли, қалбларга етиб бориши учун қутб чизиғини мато юзасидан юқорига олиб чиқиб ёркин чизгилар яратади. Натижада томошабин ва сурат ўртасида контакт, кучли ассоциатив муносабат вужудга келади. Ранглар кескинлиги, воқеа силсиласини юзага олиб чиқувчи сюжет чизиғи маъноли, таъсирчан, ифодали кўриниш касб этади. Табиий тасвир йўли, баъзан кескин бурчакли тасвир йўли воситасида кучли ҳиссий кўлам, теран ифодавий шаклни юзага келтиради. «Бахмаллик қизлар», «Самарқанднома», «Гурзуф» ва бошқа асарларда айни шу хусусиятлар ўз ифодасини топган. Жўшқин ҳолат, ранглар нисбати, ёркин-совуқ, кескин-қизғиш туслар кишига катта таассурот бағишлайди. Декоративлик ва жозиба кучи эса асар моҳиятининг юзага чиқишида қўл келган.

Гофур Абдураҳмонов янги хаёлий кенгликларни забт этиш, эришилган тажрибани янада бойитиш учун изланишлар қаърида нафас олади. Натуранинг чексиз имкониятларини тўла эгаллашга ҳаракат қилади. Хусусан, «Самарқанднома»да кўнгил тубида ҳосил бўлган иштиёқ асосида кўҳна шаҳарнинг символик образини, умумлашган қиёфасини ва таассуротлар йиғиндисини ифода этиш учун модернистик услуб, шартли ифодавий йўналишлар ёрдамида мато юзасида ички туйғулар тасвирини жонлантиради. Бу борада фаразлар, белгилар, кескин контрастлар қалб тубида туғилган фикрлар уюмини юзага чиқаришга кўмак берган. Аниқ ва мавҳум ҳолатлар уйғунлигидан ҳосил бўлган фантастик хаёлот оламини Самарқанднинг меъморий кўриниши, рамзий ва мажозий тимсоллардан маҳорат билан фойдаланилганлиги асар муваффақиятини таъминлаган.

Рассом ижодида этюдлар алоҳида ўрин тутади. Табиатда кечаётган жараёнлар, тусланиш ва ўзгаришлар, бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиш, ёруғ-соя таъсирида кечаётган нюансларни илғаб, тасвирда жонлантириш мусаввирдан катта истеъдод ва маҳорат талаб қилади. Шу маънода Ғ.Абдураҳмонов этюдлари борлиқда кечаётган эврилиш жараёнларининг онгидаги акси сифатида мазмунан кенгайиб, теранлашиб, баъзан картина даражасига ҳам кўтарилган. Рассом ўзи тавсирга олган табиатнинг турли ҳолат ва онларини ичичидан ҳис қилиб, ранглар ва қаламчизгиларда композицион тузилишини пухта жонлантиради. Фасларда сувлар туси, унинг жилосидаги ўзгариш ва турланишлар, тоғли дарёдаги сувлар ва дала бўйлаб оқаётган ариқлардаги оби ҳаётнинг ўзига хос жилҳатлари рассом ифодасида билимдонлик билан фарқланишларга эга бўлади. «Бахмал ҳақида қўшиқ», «Токзор», «Куз фасли» каби композицияларда тоғлар, даралар, пастқамликлар ва бепоён кенгликлар алоҳида меҳр, мафтункорлик ва ўктамлик билан тасвирланади. Уларда куннинг турли дақиқаларидаги кўринишлари кучли ички сезгирлик воситасида кашф этилади.

Абдували ЭГАМБЕРДИЕВ

Мактабгача таълим муассасаларида

КИЧКИНТОЙ РУМИША

ўзбек тилида сўзлашади

Бухоро шаҳридаги 34-«Пахтаой» мактабгача таълим муассасаси «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ҳамда «Учинчи минг йилликнинг боласи» дастури доирасида ибратли ишларни амалга оширмоқда. 180 нафар болажонлар тарбияланаётган бу масканда барча шарт-шароитлар муҳайё этилган. Жажжилар «Қадам-бақадам» дастурида кўрсатиб ўтилган барча кўргазмали қуроллар, ўқув услубий қўлланмалар воситасида ҳаёт алифбоси билан танишмоқда.

– Боғчага Халқ таълими вазирлиги томонидан 15 миллион сўмлик мебел, ўқув қўлланмалари ва ўйинчоқлар тақдим этилди, – дейди шаҳар халқ таълими бўлими мудири вазифасини бажарувчи Файзулло Сатторов. – Кези келганда, бу ерда спорт ва соғломлаштириш ишларига ҳам алоҳида эътибор қаратилганлигини таъкидлашни истардим. Жисмоний соғломлаштириш маркази замонавий жиҳозланган. Тажрибали спорт устаси Наталья Копиева барча гуруҳларда режа асосида машғулотлар ўтиб келмоқда.

Муассасанинг тажрибали ҳамшираси Мунира Умрзоқова жажжиларнинг соғлом ва дуркун вояга етишлари учун болаларнинг ампометрия ўлчови, овқатланиш меъёрлари ҳамда уларнинг санитария-гигиенага риоя этишларини доимий назорат қилиб бормоқда. Болажонларда санъат ва мусиқа билими кўникмалари шакллантиришга жиддий эътибор қаратилмоқда. Бу ерда ташкил этилган раққосалар, ўзбек миллий фольклор гуруҳида ёшлар қалбига қўшиқ ва рақслар ёрдамида ватанга садоқат кўникмалари сингдирилмоқда.

Хорижлик, ҳозирда Бухорода яшаётган 6 ёшли Профсор Румиша ҳам ушбу масканда тарбия топмоқда. У ҳозирда ўзбек тилида гаплаша олади. Профсор куй-қўшиқларимиз шайдоси.

Ҳомийлар ва шифокорлар йили муносабати билан боғча ҳовлисида чўмилиш ҳавзаси ҳамда замонавий жиҳозлар, компьютер хонасини ташкил этиш каби бир қатор масалалар юзасидан режалар ишлаб чиқилиб, унинг ижроси учун ҳаракатлар бошлаб юборилди.

Ҳ.ҚОДИРОВ, «Ишонч» мухбири

Янги авлод

«ЁШ КУЧ» КАРАТЭ КЛУБИДА

очиқ чемпионат

Спортнинг қайсидир тури билан шуғулланаётган ёшлар учун мусобақалар ҳам синов, ҳам маҳорат мактаби вазифасини ўтайди. Шундай турнирларда чиниқибгина эртага жаҳон ва қитъа ареналарида ғолибликка даъвогарлик қилиш мумкин. Ўзбекистон каратэ Федерацияси томонидан ҳар йили пойтахтдаги «Жар» спорт мажмуасида ўтказиладиган мамлакат чемпионати ҳамда кубоги баҳсларидан кўзланган мақсад ҳам шу. Бу мусобақаларда минглаб ёшлар ўзаро беллашадилар.

«Ёш куч» каратэ клубининг донғи мамлакатимизда кенг тарқалган. Клубга IV ДАН қора белбоғ соҳиби Фозил Худойназаров раҳбарлик қилади. Ушбу клуб ҳар йили ўзининг анъанавий очиқ биринчилигини ташкил этиб келади. Бу йил бешинчи бор ташкиллаштирилган мусобақаларда 8 та клуб шарафини ҳимоя қилган 400 дан ортиқ ёш каратэчилар қатнашди. Баҳслар давомида Наманган, Фарғона, Самарқанд ҳамда Тошкент вилоятидан ташриф буюрган ёш каратэчилар билан бирга пойтахтнинг «Билол», «Умид» каби каратэ клублари вакиллари татамига чиқдилар.

Қизғин ва муросасиз курашлар натижасига кўра мезбонлар жамоаси ғолибликни қўлга киритди. Кейинги ўринлар Наманган ва Тошкент шаҳри вакилларига насиб этди. Чемпионат давомида Рустам Ашуров, Абзал Убайдуллаев, Хуршид Тошпўлатов, Ирода Носирова сингари ёш истеъдодлар ката ва кумитэ беллашувларида қўш олтин медалларни қўлга киритдилар. Мусобақа ғолиблари ташкилотчичилар томонидан фахрий ёрлиқлар билан тақдирландилар.

А.ЮНУСОВ

Суратда: чемпионат ғолиби бўлган «Ёш куч» клуби аъзолари

ЧОРРАҲАДА

Наманганнинг Чорсу майдонидаги автомобиль чорраҳаси транспорт ва пиёдалар қатнови кўплиги, ноқулай жойлашгани ва қатнов кисмининг торлигидан автомобиллар тиқилиб қоладиган ва йўл-транспорт ҳодисалари кўп рўй берадиган жойга айланиб қолган. Учкўрғон, Уйчи ва Чорток туманларидан вилоят марказига элтувчи йўллар шу ерда туташади ва бу ҳам ҳайдовчилар, ҳам пиёдалар учун бир талай ноқулайликлар яратади.

Шуларни ҳисобга олиб, бу ерда лойиҳа қиймати 1,5 миллиард сўмга тенг замонавий автойўл мажмуини барпо этишга қарор қилинди. Ер ости автомобиль йўллари, пиёдалар ўтиш жойлари, кўприклар қуриш мўлжалланган. Уч қаватли йўл қатновни анча тартибга солиш имконини беради.

Чорсу майдони ҳудудидаги бундай автойўл мажмуи Фарғона водийси шаҳарларида дастлабкилардан бири бўлади. Уни бежиз йилнинг асосий қурилиши, деб аташмаяпти.

(ЎзА)

Янгийўл туман Халқ таълими бўлимига қарашли «Бойчечак» номли мактабгача таълим муассасасида кўплаб жонкуяр педагог ходимлар ёш авлодга ҳаёт кўникмаларида сабоқ беришмоқда.

Суратда: болажонлар билан машғулот пайтида.

ШИФО МАСКАНЛАРИ

Сиҳат-саломатлик йилининг мантиқий давоми бўлган Ҳомийлар ва шифокорлар йилида мамлакатимиз тиббиёт тизимини ривожлантириш, шифо масканлари фаолиятини яхшилаш, шифокорларни моддий ва маънавий рағбатлантириш борасидаги ишлар янада кучаймоқда. Жумладан, Сурхондарё вилоятида қишлоқ аҳолисига малакали тиббий хизмат кўрсатишга, 188 та қишлоқ врачлик пункти фаолиятини янада яхшилашга ҳаракат қилинмоқда.

Термиз туманидаги «Намуна» ширкат хўжалигида навбатдаги қишлоқ врачлик пункти фойдаланишга топширилди. Эллик ўринли мазкур шифо масканида барча шарт-шароит яратилган. Тез кунларда Ангор ва Бойсун туманларида ҳам биттадан ана шундай тиббиёт муассасалари иш бошлайди.

Спорт оламида

Футбол

ҚОСИМОВ ТЎХТАМГА КЕЛДИ

Ўзбек футболининг ёркин намоёндаси, Ўзбекистон терма жамоаси сардори Миржалол Қосимов футбол билан хайрлашишга аҳд қилди. Хайрлашув учрашуви Осиё футболининг юлдузларидан ташкил топган термага қарши кечади. Бу ҳақда ЎФФ раҳбарияти маълум қилди.

- Миржалол Қосимовнинг хизматларини баҳолашга сўз ожиз,- дея хабар тарқатилди ЎФФ матбуот марказидан. - У 1987 йилда илк марта ўсмирлар ўртасида жаҳон чемпиони унвонини қўлга киритган. Бир йилдан сўнг шу ёшдагилар ўртасида Европа чемпиони унвонига ҳам эришган. 1994 йилда терма жамоа сафида Осиё ўйинларида зафар қучди. Қосимов эришган ютуқлардан яна бири, унинг Владикавказнинг «Алания» жамоаси сафида Россия чемпионатининг олтин медалини қўлга киритганлигидир.

Сўнгги мавсумда Муборакнинг «Машъал» жамоасида тер тўккан футболчи бу жамоани кумуш медал соҳибига айлантирди.

Ҳужумкор ярим ҳимоячи терма жамоа сафида 67 та ўйин ўтказиб, 29 та голга муаллифлик қилган.

ҒАЛАБА БИЛАН БОШЛАДИ

Ҳамдўстлик кубоги баҳсларида юртимиз шарафини ҳимоя қилаётган Тошкентнинг «Пахтакор» жамоаси дастлабки ўйинларни ғалаба билан бошлади. Ўз гуруҳида Эстониянинг «ТВМК» жамоаси билан илк ўйинда тошкентликлар йирик 3:0 ҳисобида зафар қучганди.

Кейинги учрашув анча номдор бўлган Тбилисининг «Динамо» жамоасига қарши кечди. Ўйинни кўтаринки кайфиятда ўтказган «Пахтакор» 2:1 ҳисобида

ғалаба қозонди. Тўпларни Зайниддин Тожиев ҳамда Сервер Жепаровлар дарвозага киритди. Ҳозирда ҳамюртларимиз ўз гуруҳларида карвонбоши бўлиб туришибди. Навбатдаги ўйин Москванинг ЦСКА жамоасига қарши кечади.

Автопойга

ШУМАХЕРНИНГ ИЗДОШИ

Машҳур автопойгачи, Италиянинг «Феррари» жамоасини бошқараётган Михаил Шумахернинг таъкидлашича, мотопойга бўйича беш карра жаҳон чемпиони италиялик Валентина Росси яқин орада



«Формула-1» пойгаларида қатнашиши мумкин. У илк марта ноябр ойида тест синовларидан ўтган. Шумахернинг фикрича, мотопойгачи автопойгаларда ҳам ғалаба қозониши мумкин. Аммо, унинг япон фирмаси «Ямаха» билан тузган шартномаси шу йилнинг охиригача амалда бўлади. Автопойгалар тарихида инглиз Жон Спартис уч карра мотопойгаларда ғолиб чиққандан сўнггина «Формула-1» пойгаларида ҳам жаҳон чемпиони бўлишнинг уддасидан чиққанди. Росси собиқ ҳамкасби билан бўйлаша олармикан? Буни вақт кўрсатади.

Шахмат

ИВАНЧУК - ЯГОНА ПЕШҚАДАМ

Украиналик гроссмейстер Василий Иванчук Голландиянинг Вейк-ан-Зее шаҳрида бошланган халқаро турнирда карвонбошиликни қўлга олди. Дастлабки ўйинда оқ доналарда ўйнаган Иванчук жаҳон кубоги соҳиби арманистонлик Левон Ароянни мағлубиятга учратган бўлса, кейинги учрашувда Иван Соколовни мот қилди.

Англиялик Майкл Адамс ундан ярим очко ортда бормоқда. У иккинчи турда амалдаги жаҳон чемпиони болгариялик Веселин Топаловни енгди. Ушбу турнирда дона сураётган 14 нафар шоҳмот устасининг 6 нафари жаҳон шахмат таснифида кучли ўнликдан жой олган.

Теннис

ШАРАПОВАНИНГ ДАСТЛАБКИ ЗАФАРИ

Австралия очиқ чемпионати аёллар баҳсида россиялик Мария Шарапова дастлабки ўйинни ғалаба билан бошлади. У германиялик Сандра Клосель билан баҳсда ўзининг нималарга

қодирлигини исботлади.

Аслида турнирнинг сўнгги кунларигача жароҳати туфайли қатнашиш-қатнашмаслиги номаълум бўлган теннисчи қиз иродали эканлигини барчага намойиш эта билди. Унинг асосий рақибларидан бири бўлиши кутилаётган америкалик Винус Уильямс ҳам турнирдаги илк ўйинда болгариялик Цветана Пиронкови енгди.

А.МАМАЖОНОВ тайёрлади

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир биринчи ўринбосари Зайниддин РИХСИЕВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

Тиражи: 18646 Буюртма Г— 316

E-mail: ishonch_doverie4@mail.ru

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43;
Касаба уюшмалари ҳаёти бўлими 56-87-63

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 22.00

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

12345